

## ИОН ДРУЦЭ

### КЕЧ КУЗ

Русчадан Мирҳамид Аҳмедов таржимаси

Йиллар ва тақдир юкидан чўп бўлиб кетган увоқ-қина муштипар кампир сукутга чўмган эски деҳқон ҳовлисининг ўртасида ҳайкалдек қотиб турибди. Туш палласи, кун иссиқ, тиқ этган шамол йўқ, ер ҳансирайди, қуёш найзасига келган, куйдиради. Кўндан олов сели ёғмоқда ва кампирнинг қават-қават узун юбкаси гўё ҳозир ёниб кетадигандай туюлади. Йўқ, қуёш уни иситолмайди, шу боис, кампир худди уйқудан уйғонгандек чуқур хўрсиниб, қийшайиб кетган четан девор тагига бориб майда шох-шабба тера бошлайди. Тананни ва суякларининг иситишга ҳатто қуёш ожизлик қилса, бутун умидинг шох-шабба-ю, гуркираган оловдан.

Бир қучоқ келар-келмас ўтин тергач, кампир уйга киради, пастак, кичкина стулчага ўтиради. Печка олдида каловланиб гугурт чақади ва гўё бу ер юзида қолган сўнги гугурт чўпидек авайлаб, кафти билан тўсганича ўтхонага қаланган шохлар тагига туттади. Қаердадир, нақ қулоғи тагида худди қарс этган чўпон қамчисидай нимадир икки марта қарсиллади. Кампир рўмоли тагига қўлини солиб ўнг қулоғини очади-да, кўча томонга ўтирилганича тош қотади.

Остонада ҳозиргина бўлиб ўтган ҳалол жангда тожиси қонга беланган даканг хўроз турарди. Бир оз олда энгашиб уч маротаба сўфидек балад овозда қироат билан қичқирди. Хурсандчиликни кўнгли сезган кампир шошиб ўрнидан турди. Бир сиқим маккажўхори донини ҳовлига сепди-да, эшик кесақисига суянганича ўнта ақлли товуқ битта, аҳмоқ хўрозни лақиллатиб, унинг ризқини еб қўяётганини томоша қила бошлади.

Куз бошланди. Молдавияда куз — айни меҳмон кутадиган палла. Молдаван аёлларининг сон-саноқсиз

ташвишлари қаторига яна бирташвиш — меҳмон кутиш, ғафлатда қолмаслик, жилла қурса, озгина бўлса ҳам тайёргарлик кўриш қўшилди. Бу борада уларнинг бирдан-бир ёрдамчиси ва маслаҳатгўйи — хўроз, агар у остонанда қичқирса, ҳамма юмушни йиғиштириб меҳмон кутишга шошилиш зарур.

Печкадаги олов гуриллаб ёнмоқда. Шох-шабба қалтис ўйинга берилиб шўх чирсиллайди, кампир эса, оловнинг бу куйини майин жилмайиб томоша қилади. Печкадаги олов унинг эски дўсти. У кампирга бир уй болаларининг қорнини тўйғазишда, совуқ олдирмай вояга етказишда ёрдамлашди, гарчанд болалари вояга етиб, ҳаммаси ҳар томонга тарқаб, уй-жойли бўлиб кетишган бўлса ҳам, ҳар сафар печкада олов чирсиллаб ёна бошлагач, кампирнинг назарида совқотган, очикқан фарзандлари қадрдон уйларига ошиқиб келаётгандек бўладилар.

Тутун черепицали эски уй томи узра кумушранг гулли тўр янглиғ аста таралапти. Ўнг томондаги қўшни уйда ҳам, чапдаги уйда ҳам печкага ўтин қаланган. Гўё шамол йўқлигига ишонқирамагандек бўлиб, қишлоқдаги барча уй дудбуронларидан аста тутун чиқмоқда, қишлоқ ортида, ундан нарида улкан водийнинг тарқоқ қишлоқлари узра дам қора, дам қулранг тутун кўкиштоб кечки самога ўрлайди, қаердадир баландликда, чўл осмонида тарқаб кетади. Янгигина печкадан олинган нон ҳиди анқийди, хўрозлар қичқиради, куз келди — куз. Молдавияда меҳмон кутиш палласи.

Улар тўрт томондан оқиб келмоқда. Мана, шаҳар атрофида қатнайдиған мўъжазгина поезд чўлдан учиб бормоқда. Узундан-узун амирона қичқиришидан тева-рак-атроф ларзага келади. Хайрли дақиқаларни кўнгли сезган қишлоқ аёллари остонага, эшик олдига, чорраҳаларга чиқадилар, қўлларини пешоналарига соябон қилиб йўловчилар орасидан ўз меҳмонларини ахтарадилар.

Ана, тепаликлар орасида кўпдан бери бўялмаган вокзал томи ва том устида шохлари чирмашиб кетган тўрт терак яққол кўринди. Дақиқа ўтгач, том ҳам, тераклар ҳам ўй сургандек чайқалди, кейин нақ қўзғалиб поезд томон енгил сузди ва шунда, ишқилиб, бу ердан ўтиб кетмайин-да, деб одам жонини ҳовучлаб

туради. Неча маротаба қишлоғимга қайтмай, ҳар сафар бизнинг вокзал кўриниши биланоқ поезд тўхтамикан, тўхтамасмикан, дея фол оча бошлайман... Тўхташини аниқ биламан. Шундай бўлса ҳам ҳаяжонланавераман, бу даҳшатли урушдан бери, ўша биз дуч келган юк поездларида қайтганимиздан бери мен билан ҳамроҳ, бирга яшайди.

Афтидан, машинист кеч тормоз берди, поезд вокзалдан анча нарида, дала ўртасида тўхтади. Йўловчилар темир йўл ёқасидаги кўтармага сакрайдилар. Харид қилган майда-чуйдаларини тўкиб-сочиб умбалоқ ошадилар. Майда-чуйдаларини йиғиштириб олишаркан, перронда кутиб турганлар поезд орқасидан югурадилар, юз метрча масофани ўтиб тўғридан-тўғри вагон зиналарига сакрайдилар, эшик тутқичларига, тўсиққа осиладилар. Шу дақиқада поезд ўрнидан қўзғалади, аммо олдинга эмас, орқага — вокзал томон юради. Юз метрча йўл босиб поезд энди темир йўл қоидасига биноан перронда тўхтайди. Бироқ энди ҳеч ким тушмайди ҳам, чиқмайди ҳам. Поездга чиқиш ҳам, тушиш ҳам тугади...

Бир неча дақиқадан сўнг поезд жўнаб кетади. Сакраб тушиб қолган йўловчилар майнавозчилик қилганларидан миннатдор бўлиб поезд ортидан узоқ ва самимият билан қўл силкишади, шундан кейин ёлғизоёқ йўлдан вокзал биносини айланиб ўтиб, мўъжазгина майдонга ўхшаш чорраҳага чиқадилар. Йўл лой, у ер-бу ерга гишт ташлаб қўйилган. Эпчил ҳаракат билан гиштан-гиштга сакраб ўтган йўловчилар бундай кичкина жойга ҳеч бир тўғри келмайдиган ҳайрон қоларли кенг ошхонага кириб қоладилар. Катта залда уч қатор қилиб терилган столлар бўм-бўш турибди. Зал этагида бир неча бўш хона, ҳозиргина поезддан тушган йўловчилар қайтиб келганларини буфет пештахтасидан нари кетмай ювишмоқда.

Қачонлардир бу ер район маркази эди. Эндиликда уни баргараф қилишди. Ўтган ажойиб кунлардан биргина ошхона қолди, аммо уни яқин-орада беркитиб қўйишади, деган мишмишлар юрибди. Қўшни колхоз деҳқонлари бу қадар хўрликка чидай олмаймиз дейишяпти. Қаёқлардан қайтиб келишмасин, дарҳол ошхонага югуришади, ишлар қандайлигини билиш керак-да. Худоба шукур, ҳозирча ҳаммаси яхши.

Йна ўша, лойи ҳеч қачон қуримайдиган чорраҳа, ундан шошилинч очилган тор йўл бошланади. Баланд бўйли йигитча бочкани нақ кўча юзига олиб чиқиб тузлаган балиқ сотмоқда. Бешта турли тусдаги мушук аламли кўзларини сотувчидан узмай девор тагида сакрашга шай бўлиб туришибди. Шарти кетиб, парти қолган кулба бўғоти остида бир тасмасида осилиб қолган репродуктордан бадантарбия дарси берилмоқда. Беш ёшли болакай отасининг милицияча фуражкасини пешонасига қўндириб, бекордан-бекорга чуриллатиб унинг ҳуштагини чалапти, бу вақтда отаси бўлса, томорқадаги картошкани шошилиб кавлаб олмоқда.

Қишлоқ чеккасида, этакдаги уйнинг нақ орқасида, йўл ёқасида шалоғи чиққан юк машинаси турибди. Кабинада қишлоқнинг олифта йигитлари мисол серсоч шофёр мудраб ўтирибди, устара тегмаган юзида ҳорғинлик қотган. Вокзалдан чиққан йўловчилар сўраб-суриштириб ўтирмай машинага чиқа бошлайдилар, сўраган-сўрамаганда нима, ҳар қалай, қишлоқдан олиб чиқиб кетмайди-ку?! Хомуш тортган шофёр уйқуни қочириб шу кўйи машинага ўтираётганларни бир муддат кузатиб тургач, бирдан машинани ўт олдириб, деярли ҳаммани ҳайратга солиб жўнаб қолади. Қадимдан маълум — инсон деганнинг турган-битгани сир-синаот!

Куз ҳам охирлаб қолди, йўллар намиққан, машина ортидан чанг кўтарилмайди ҳам. У шоввознинг эса чанг кўтаргиси келади. Шу сабаб, қувгани қувган. Неча бор машинаси синган, сон-саноқсиз ремонт қилинган, шунга қарамасдан, ёш болалардек тезликка ўчлигидан қайтмаган. Шу боис, ҳеч нарсага парво қилмайди. Қувиш бўлса қувиш-да!

Ясси тепалик ортидан қишлоқ чеккаси, аниқроғи, кўкиш тутун қўйнида чекка икки кулбанинг титраётган томи пайдо бўлди. Қишлоққа кўпдан бери юриладиган, нақ қишлоқчасига абжир сўқмоқдан кириб келинади. Йўл тепаликка кўтариларкан, кўкиш тутун сийраклашади ва энди томлар титрамайди. Энди иккала уй ҳам яққол, бор афзалликлари билан кўзга ташланади. Ботиб бораётган қуёш дам у уй деразасидан, дам бу уй деразасидан нақ улкан ёнғин каби қизил тусда аксланади, гўё уйлар ўт билан телбанамо ўйнашаётгандай туюлади.

Кўп йиллар муқаддам, мен бу ўлкадан чиқиб кетаётганимда, ҳеч ким мени кузатмаганди. Мени вокзалгача кузатиб чиққан шу икки уй бўлганди, холос. Улар ҳақида кўп ўйладим, гарчанд мен учун уятли бўлса-да, бу уйларда ким истиқомат қилишини шу вақтгача билмайман, аммо биз қадрдон дўстлармиз. Балки бу уйда хафалашиб юрган мактабдошларим турар, балки қариндошларим ёинки мен кетиб қолганимдан кейин қишлоғимизга кўчиб келган нотаниш одамлар туришар.

Қишлоқ тепалик устидан бошланади ва водий томон тушиб, жануб томонга — узоққа чўзилади. Кузги қуёш гардиши ботиш олдидан уфқда титрайди, чарчаган колхозчилар даладан қайтишади. Чорраҳалардан бирида икки бола оёқлари остида ётган, тешилган коптокни талашиб, муштлашишяпти. Қишлоқ ёқалаб икки нуруний кампир ширин суҳбатлашиб бир-бир юриб келишмоқда. Ярим-ёрти бузилиб кетган қадимги черковга кўзлари тушиб тўхташди, чўқиниб, яна жимгина йўлда давом этишди. Ёшгина қиз қудуқдан сув тортяпти, қорамағиз йигит унга яқинлашади. Қиз қайрилиб қарамай сув тўла пақирни тортади. Йирик-йирик кўз ёшлари ёноғи узра думалаб қудуқнинг қоронғи тубига тўкилади. Биз томонларда ҳалигача илгариги пайтлардагидек астойдил, бир умрга севишади.

Узоқда — пастликда, торгина кўчанинг этагида кампир эшикка суянганича турибди. Энди эски черепица том узра тутун кўтарилмайди. Чап ва ўнг томондаги қўшнилари печкага ўтин қалашмайди; фақат қишлоқ узра кечки туман янглиғ кулранг тутун бир текисда ёйилган. Кампир келамиз, деб ваъда берган меҳмонларни кутар, вақт бекор ўтмасин-чун, кимгадир қўлқоп тўқирди. Меҳмонларни кутиб олиш учун эшикка у билан бирга ит, хўроз ва мушук ҳам чиққан. Улар нақ кампирнинг оёғи остида туришар, мудрашяптими, меҳмон кутишяптими — билиб бўлмасди.

Бу бизнинг кекса ва оққўнғил онамиз. Биз унинг неча ёшдалигини билмаймиз, сираси, буни ўзи ҳам аниқ билмайди, чунки гапи бўйича ёши — бу болалари. Мабодо кимни кутяпсан, деб сўралса, кампир гапидан адашиб, нима дейишини билолмай қолади. У бизни кутавериш шундай зерикдики, кимни кутяпти

у, қачон келади, ўзи ҳам билмайди. Агар бизнинг келишимизни қаёқдан билганини сўралса, у тушларини бирма-бир сўзлаб беради, титилиб кетган қарталарни топиб келади ва ҳатто хўрози ашула айтганида қаерда турганлигини кўрсатиб беради ҳам.

Кун ўтиб, кеч бўлиб қолди, қишлоқ узра аста шом қўнмоқда. Тор кўчамизга даладан чўпонлар, улар ортидан қўй-қўзилар кириб кела бошлайди. Қанд лавлаги қазишдан аёллар келишяпти. Ора-сира дам машина, дам арава ўтиб қолади. Кампир қўлқон тўқини йиғиштирган — кўзи на ипни, на илмоқни кўради. Икки кўзи йўлда. Унинг тахминича, меҳмонлар ҳадемай келиб қолишлари керак. Ҳақиқатда ҳам ит думини ликиллатганича кимнидир қаршилагани кўчага отилди, ортидан мушук ҳам югурди. Кампирнинг ажин босган юзи кулгидан ёришиб кетди. Тор кўчанинг бошида унга нақ қизлик пайтидан бери таниш, учи найзасимон шапка кўриниб қолди. Шапка одатдагидан бошқачароқ, ҳаддан зиёд шўх лиқиллаб, нари-бери бориб келмоқда.

Куз бошланиши билан бизнинг отахон уйга кечқурунлари томоқ хўллаб қайтадилар. Сираси, у ичкиликка ружу қўймаган, аммо кузда мусаллас нақ дарё бўлиб оқади, қиттак-қиттак қилишни ёқтирганларнинг саноғи йўқ, барча улфат ҳамшишани қидиради, отамиз табиатан кўнгилчан одам бўлгани учун ҳеч кимнинг сўзини қайтаролмайди. Онам учун шу топда энг асосийси — отамни бир амаллаб ўрнига ётқизиб олиш. Сут билан кирган, жон билан чиқади, деганларидек, онам шу ёшга кирибди ҳамки, соддалиги қолмайди, назарида отамизни ундан бўлак ҳеч ким бу аҳволда кўрмаган, шу боис, унинг обрўйига путур етмасин тағин, дея шошилади. Аммо бу хамирдан қил суғургандек осон битадиган иш эмас. Қўшни хотинлар девордан мўралаб туришибди — ичиб олган эрни уйга олиб киришдан ортиқ қизиқарли томоша йўқ молдаван қишлоқларида.

Ҳаяжонланган, ожиз-нотавон кампир отамизни қўлтиғидан олмоқчи бўлади, бе, қаёқда, яқинига йўлатмайди. Дам қўшни аёлларга кўз қисади, дам шапкасини бошидан тушириб юбориб, кийишни истамайди, ҳатто қанлайдир рақсни эслаб ер тепинади.

— Сабр қил, сабр қил, одамларга қандай рақс ту-

пишни кўрсатай. Бу рақсни биргина мен биламан, бошқа ҳеч ким кўрсата олмайди.

Мана, ниҳоят темир каравот олдига ҳам етиб келишди. Отам каравотга ўтиради, кўз олдида туман ичра сузаётган столга зўр бериб тикилади ва «керак эмас, йўқ», дегандай бош чайқайди. Овқатланиш нияти йўқ. Столнинг парвойифалак бироқ стол устидаги тақсимча, идиш-товоқ чайқалиб, қарияни имлаб чақиргандай бўлаверади. Отам қарорида қатъий турибди, стол, дастурхоннинг ҳар қандай найрангига «йўқ», дея бош чайқайди. Охири олхўрили тақсимча туман ичидан чиқиб келиб, оёқ остига тушиб чил-чил синади. Бир бўлагини олиб диққат билан кўздан кечираркан, отам таъна аралаш дейди:

— Яна гулли экан!

Каравотнинг ёқимли ғижирлаши отамни аллалайди. Шундоққина ёнбошида каттагина ёстиқ оқариб уни ўзига чорлайди, чол уни ғижимлайди, ёстиқ уни яна чорлайди, бироқ ечинмасдан ётиб бўлмайди, кампир бобиллаб беради. Бу ёқда лаънати ботинкани ҳам ҳадеганда ечолмаяпти; энгашди дегунча эски уйимиз таг-туги билан чирпирак бўлиб айланади. Оёқ кийим ечишнинг ўзи билган барча усуллари қўллаб, бир иш чиқаролмаган отам жаҳл билан қичқиради:

— Ҳа, лаънатилар! Қани ким олдин ечар экан? Олдин ечганга конфет бераман.

Отам бизни чақиряпти. Оғзига текканидан кейин, биз аллақачон катта бўлиб тўрт томонга тарқаб кетганимизни унутади-қўяди. Ҳаммасига қоғозга ўраб, кўпдан бери чўнтагида сақлаб юрган конфетлар сабаб бўлса керак. Ҳадеганда биз кўрминмаймиз, шунда чол ҳайратга тушади, нима бўлдики, болалари ширинликдан юз ўгириб қолдилар? Ким уларни бунчалик эркалатиб юборди?

Бир муддат ўтгач, ҳар қандай ишга ўрганган қўлар ботинкани еча бошлайди. Отам кўнгли жойига тушиб, кишининг жиғига тегадиган даражада шошилмай чўнтақларини кавлаб конфет қидиради. Кейин оёқ остига мукка тушиб ўрмалашаётган кампирни ғира-шира кўриб, ноқулай аҳволга тушади. Кампир қўлидан ботинкасини юлиб олиб, кескин эгилади ва шу тариқа ағанаб тушади. Сўнг яна ўзини каравотда кўриб, кампирдан сўрайди:

— Болалар қаёққа кетди?

Онамиз бахтни чўчитиб юбормаслик учун шивир-лаб гапиради:

— Келишади. Гапларим қулогингда турсин. Ҳадемай кириб келиб қолишади.

Отам онамнинг дам тўқилмай чала қолган қўлқопига, дам ўзининг ботинкасига диққат билан тикилади ва ниҳоят бир қарорга келади.

— Ундай бўлса уларни кутаман.

Тун яримлаб, далалар, қишлоқ, теварак-атрофдаги сахро уйқуга кетганида ҳам чироқнинг нури деразамизни хира ёритиб туради. Отам ҳамон каравотида ўтирибди, ёнида мудраётган онамиз турибди, кўриниши шу қадар афтодаҳолки, гўё отамни кечқурун ўзи ичиргану эндиликда бу қилмишидан афсус-надомат чекаётганга ўхшайди. Отам чап елкасини ушлаб зорланади:

— Нақ шу ери зирқираб оғрияпти, йиқилиб тушдиммикан? Наҳотки йиқилиб тушган бўлсам?

Онам отам кўрсатган ерини, елка суягини силаб бирдан кулади:

— Отангиз шамоллаб қолди, деб телеграмма юборсак нима бўлади?..

Ҳар куз биз уйдан сон-саноқсиз ташвишли хабарлар оламиз. Бу сафар ҳам шундай қарорга келишди. Тонг гира-ширасида онамиз аппарат тепасида ухлаб қолган телеграфчи қизни уйғотади. Телеграмма қоғозини олиб роса овора бўлади, чунки телеграмма ёзиш, тўлдириш бизнинг кампирга қип-қизил азоб. Ҳар биримизни ўзича бошқача яхши кўради, ҳар биримизга алоҳида ҳали айтилмаган илиқ гапларни ёзгиси келади. Бироқ бунинг учун на вақт, на пул бор.

Ниҳоят бланкаларни тўлдириб ва телефончи қизга бериб жўнатишини эсидан чиқариб қўймаганига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир муддат кутиб туради. Бу вақтда отам темир каравотда алангаи оташ бўлиб ёниб, бир қултум сув сўраб тўлганиб ётади. Азбаройи чанқаганидан бош кўтариб тирсагига тиранганича ўтган-кетганларга мурожаат қилиб деразани тақиллатади. Дераза ойнаси зириллайди, аммо кўчада ҳам зог кўринмайди. Йўқ, шошилманг, қудуқ тепасида картошка артаётган қўшни хотин эшитиб қолди. Ишини ташлаб оёғини қўлига олиб югуролмайди, шунинг-

чун қўшнисига нимадир деб бақиради, бироқ у ҳам иш билан банд, шу боис, учинчи қўшнига бақиради.

Шундай қилиб, отанинг тоби қочди. Шунчалик софдил одамки, ҳазиллашишни ҳам билмайди, мабодо онамиз бизни қўрқитиш учун йўлига, отанг касал, деб телеграмма жўнатадиган бўлса отам, афтидан, одамлар, қўни-қўшнилари олдида уялиб қолмаслик учун шу заҳотиёқ кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олади. Агар чиндан ётиб қолса, қирқ даражадан паст ҳароратни писанд қилмайди.

Касалликнинг энг оғир дами — биринчи тун. Отам иссиқдан алаҳлайди, назарида уй ичи қўни-қўшни аёлларга тўлиб кетгандай бўлади. Ҳар бирининг қўлида икки пақирдан зилол сув, ҳар бири мевинг пақиримдан сув ичинг дея илтимос қилади. Отам бир пақир сувни паққос ичиб юборади ва бу орада уйимизда нима воқеа бўлганини ҳикоя қилади.

— Ҳамма гап бу ёқда, қариганда бир аҳмоқлик қилдим! Мол-дунё орттирганимда, болаларим бошимда парвона бўлиб соғлигимни сўраб-суриштирган бўлишарди. Акса урдимми, бас, қаерда бўлишмасин етиб келишган бўлишарди. Нима ҳам қила олардим, мол-дунё орттирганим йўқ, мана оқибати...

Эртаси куни дарвозамиз олдида «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Ёшгина врач томир ушлаб қон уришини санайди ва айни чоқда укол қилишга тайёрлик кўраётган истараси иссиққина ҳамширага хушомад қилади. Даҳлиз ва хоналарга қўни-қўшни аёллар тўлиб кетган. Турли юмуш билан дам кўчага чиқиб, дам уйга кираётган онамнинг бу хотин-халаж тўдасини ёриб ўтиши тобора қийинлашади.

Кечга яқин кўк юзини булут қоплади. Туни билан чақмоқ чақди, бироқ на момақалдироқ гумбурлади, на ёмғир ёғди. Фақат эртаси куни тушга яқин шивалаб майда ёмғир ёға бошлади. Ғарб томонда қишлоққа тушган ягона йўл устида нимаси биландир отамизга ўхшаб кетадиган қирқ ёшлар чамасидаги семиз аёл кўринди. Қўлида иккита зилдек тугун. Қишлоқ чеккасидаги икки уйнинг томига кўзи тушиши билан саватини ерга қўйди ва худди онамиздек қўлларини кўтариб, онам овозига ўхшаш овозда нималарнидир ўқий бошлади. Биз тирранчалар орасида биргина Маринка ақлли-хушли чиқиб қолди. У бор-йўғи иккинчи синфни ту-

гатган, қоғозда нима ёзилган бўлса кўр-кўрона ишона-  
веради.

Кечга яқин отамиз озгина бўлса ҳам кўз юмади,  
таҳликали ва оғир уйқуга кетади, кўз очиб эса боши  
узра турган Маринкани кўради. Сираси, Маринкани  
кўролмади, кўриш учун у ёнбошига ағдарилиши ке-  
рак, бунинг учун мадори етмайди, шу боис, ҳозирча  
унинг қўлинигина кўриб ётибди. Маринка отамизнинг  
бу қарашини ўзи тушувиб, шу заҳотиёқ саватини бў-  
шатади. Отамиз ёстиги ёнига бир неча шиша мураббо,  
тузланган тарвуз, турли хил ширин кулчалар, қури-  
тилган мева қўяди. Бу манзарани кўриб сабри чида-  
маган отам бор кучини тўплаб девор томонга ўгирилиб  
олади, бундан Маринканинг хўрлиги келади, аламдан  
ияги титрай бошлайди.

Отам уни айтарли хушламайди. Йигирма йилча бу-  
рун уни қўшни қишлоққа узатган эди, эндиликда ўша  
ерда тиниб-тинчиб кетмаганидан хафа. Маринка шу  
вақтгача ўз она қишлоғини унутолмайди. Бир оёғи у  
қишлоқда бўлса, бир оёғи бу қишлоқда — дам мева-  
чевага, дам бирон-бир ширин сўз эшитишга, дам гий-  
батга қулоқ тутишга келиб туради, отамиз унинг бу  
хатти-ҳаракатини ҳеч кечиролмайди. Унинг тушунча-  
сича, оиламиз аъзоларини тақдир қайга олиб бориб  
ташламасин, борган ерида тиниб-тинчиб яшаб кетиши  
керак. Онасининг этагига ёпишишнинг нима кераги  
бор?

Маринка шу келганича бир неча кун қолиб кетади.  
Куни билан онамизга хўжалик ишларида қарашади,  
кеч бўлди дегунча иккалови кириб отамиз бошида нав-  
батчилик қилишади. Тун яримлаб қолганида одатда  
отамизнинг иссиғи кўтарилиб кетади ва у алаҳлай бош-  
лайди. Назарида қуёшли ёруғ кун, ҳовли тўла одам.  
Онам икковлон эшикка чиқиб бизни кутиб олишаётган  
бўлади. Бизнинг тагимизда машина, саман отларда,  
самолётларда учиб келянимиз, бечора ота-онамиз аранг  
қучоқлаб ўпишга улгуришади.

Супачада энг яхши машшоқлар ўтиришибди. Отам  
қошларини учириб куй чалишни буюради. Қўлимиз-  
дан ушлаб йиғилган қишлоқ аҳли олдида айланаркан,  
биргина ўзининг эсида сақлаб қолган рақсни кўрсата  
бошлайди. У беҳад бахтиёр, бироқ кимнингдир оёғини

бехосдан босиб олиб, уйғониб кетади ва боши узра турган икки хотинни кўриб сув сўрайди.

Эрталаб Маринка қудуқдан сув олаётганида, онам эса шох-шабба майдалаётганида, остонада яна ўша даканг хўроз пайдо бўлади. Қанотларини қоқиб бир вақтлардаги каби уч маротаба қичқиради. Ботир хўроз дон ўрнига тош, калтак отишганларига бирмунча таажжубланиб, лекин анча-мунча нарсага парво қилмай, бу ҳужумларга чап бериб, кўп сонли меҳмон келаётганидан дарак бериб яна қанот қоқди.

Тўрт кун деганда отам ёстиқдан бош кўтариб ўтиради. Озиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган, рангида ранг йўқ, соқоли олинмаган, шу аҳволда у черковимиз суратларида акс этирилган авлиёларга ўхшаб кетади. Томирлари бўртган, қоқсуяк қўлларига узоқ термилиб ва бошини қўйи солиб, кутилмаганда жаҳл ва қаҳрли пичирлайди:

— Хўш, шундай экан, уларни ўзим бориб кўриб келаман. Фарзандлар кузда ота-оналарини кўргани келишмас экан. У ҳолда оталари уларни кўргани боришади.

Маринка олиб келган тарвузни еб бўлгач, отам томорқадаги тоқларни кўма бошлайди. Ҳадемай қиш бошланади, шошилмаса бўлмайди, боз устига, хўжаликда хизматга яроғлиқ биргина ўзи. Аксига олиб, ишдан қўли чиқиб қолган, белкуракни тузукроқ эп-лолмайди, бироқ у чидамли, урина-урина ишга кўникаиб кетади.

Кечга яқин Маринка сўқмоқ йўлдан пастга туша бошлайди. Демак, қишлоғига қайтапти. Оғзининг таноби қочган, мазмуни, ҳамқишлоқларига айтиб берадиган нақ ўша ҳаяжонли воқеани бичиб-тўқияпти; қишлоғига етиб олгач, қўни-қўшниларига мен етиб борсам отам бир аҳволда, чалажон ётган экан, дейди. Кичкинагина тузланган тарвуз бериб омон сақлаб қолганини айтади. Қўшнилари лаққа тушиб ишона қоладилар, ким билади, ҳақиқатда ҳам шундай бўлгандир.

Орадан бир кун ўтгач, онамиз печка олдида ўралашиб, ўзида йўқ хурсанд, бизга турли ширинликлар пиширади. Иштаҳани қўзғатадиган даражада иссиқ, буғи кўтарилиб турган пряникларни онамиз совиб қолмасин, дея гоҳ нок, гоҳ олма, гоҳ ёнғоққа аралаштириб тўқима саватга жойлайди. Хира, нурсиз кўзлари

ҳаяжондан ялтирайди, назарида сўлагимизни оқизиб унинг ёнида бетоқатлик билан тургандай бўламиз. Отамиз бўлса бошини силаб ўтирибди. Афсус-надоматлар бўлсинки, молдавиялик ўзини-ўзи эркаласа, бу чўнтагида ҳемири йўқ, дегани, ҳақиқатда ҳам отамнинг чақаси йўқ. Ҳали куз, колхозчилар йил бўйи ишлаган меҳнат кунларига ҳақ олишмаган, бировдан қарз сўрашнинг иложи йўқ, шунда отам ўзича бир қарорга келади. У кечқурун колхоз правлениесига киради. Бухгалтериянинг бир бурчагида ҳеч кимга халал бермай тураркан, кассир пул берадиган туйнукчанинг очилишини кутади. Бир неча маротаба беҳуда уриниб кўргач, ниҳоят кассир темир қутисининг юқори тоқчасида бир тўп гижимланган пул ётганини кўриб қолиб раис хонасига югуради. Ёзиб келган аризасини олади. Раис ундан пул нимага керак бўлиб қолди, нима учун кетяпсан, қаёққа, неча кунга деб роса сўраб-суриштиради, кейин отам гижимланган пуллари олиб тўғри магазинга киради. Таниш сотувчидан пуллари янги, тозасига алмаштиради. Чунки гижимланган, кир пуллари отам ёқтирмайди, ҳатто пул ўрнида кўрмайди.

Мана, ниҳоят қария йўлга шай бўлди. Эгнида арзонгаров усти бош. Катта, зилдек оғир халта кўтариб дарвоза тагида турибди. Онам унинг ёнида кўп йиллик бирга турмушлари ҳаққи, ниманидир кутади, бироқ отам иккиланади, ер остидан дам чапга, дам ўнгга қараб қўяди. Тор кўча бўм-бўш, қўни-қўшнилар ҳовлисида зог учмайди. Шундай бўлса ҳам отам иккиланади. Ҳамиша шундай, бирон ёққа кетадиган бўлса отамнинг хайрлашиши жуда қийин бўлади.

Ниҳоят ўзини қўлга олиб онам қўлини силайди. Эсанкираб қолиб, шапқасини пешонасига бостириб кияди ва жаҳл аралаш йўталади.

— Жин чалгур хўрозни эркалатиб юборма.

Отам қишлоқдан жиддий, салмоқли қадам ташлаб ўтади. Ҳар бир дуч келган йўловчи унинг қаёққа йўл олганини сўрайди, отам жон деб тушунтиради ва афтидан, ҳамқишлоқларига қаёққа кетаётганлигини айтиб ҳузур қилади.

Катта, шарқ томондаги йўлдан юриб қишлоқдан чиқади. Тик тепаликка кўтарилгач, яшин уриб кетган ёлғиз ёнғоқ тагида ўтириб дам олади. Ёнғоқнинг бир

тараф шохлари кўм-кўк баргга бурканган, иккинчи томони мана неча йилдирки, қуриб қаққайиб қолган. Қишлоқ бу тепаликдан кафтда тургандек кичкина бўлиб кўринади, қишлоқдаги барча уйларни, қудуқларни, деворларни хаёлан йиғиб, сўнг яна жой-жойига тарқатиб кўнгил очади. Отам қай томонга йўл солмасин, қишлоқдан ҳаминша шарқ томондан йўлга чиқади, шу дарахт тагида беш минутча ўтириб нафасини ростлайди. Ўзига-ўзи қаердан чиқиб, қаёққа йўл олаётганини тушунтирадимиз, ёки оёқларга қай томонга юришни ва қайтиб қаерга келишини тушунтирадими, хуллас, буни ҳеч ким билмайди. Кейин у чуқур нафас олиб, ўрнидан туради ва йўловчига хос катта, босиқ қадам ташлаб секин-аста кузги шудгорланган дала-лар ёқалаб юриб кетади.

Жуни тўкилган, минг бир гўрга кириб чиққан дайди ит шипшийда дала оралаб санқиб юрибди. Одам исини сезиб ўша томонга ўқдек учади. Унинг қачон келиб қачон илакишганини отам ҳатто сезмайди ҳам, Отам кутилмаганда ўгирилиб, изма-из бошини итоаткорона эгиб келаётган кўппакка кўзи тушади. Ит гўё ҳовлимизда туғилиб катта бўлгандек отамга ўрганиб қолган, шу боис, уни кузатиб келмоқда.

Отам тўхтаб, унга ачиниб, узоқ қарайди. Ит ҳам унга тикилади. Отамнинг итга раҳми келади. Теваракатроф шудгор қилинган бийдай дала. На емиш, на бошпана бор. Отам саватни ерга қўйиб тепасига энгашади, ит бўлса меҳрибонликни сезиб аста пусиб яқинлашади. Думини ялингансимон ликиллатади. Чолнинг ўнг қўли тугун ёнига тушиб, кесак қидириб тимирскиланади, иш чатоқлигини сезган кўппак сакраб оёққа қалқийди ва ўқдек учиб қочиб қолади. Отамиз бўлса, қаддини ростлаб саватни кўтариб йўлида давом этади. Ўз қаддини билмасликни отам ёмон кўради ва ҳеч қачон кечирмайди.

Йўл тик тепаликдан ошгач, пастга — жанубга чўзилган кенг водийга тушади. Теваракатрофдаги ўтлоқнинг ўтларини илдизигача мол еб битирган.

Шу ерда номи алланечук жарангли Кайнари деган анҳор оқади. Анҳор устида қарийб чириб битган кўприк бор. Анҳорнинг икки қирғоғида — у ер-бу ерда сариқ тол ўсган. Эски кўприкка етганида отам пастга,

дарёнинг қумлоқ соҳилига бурилади ва энди қумлоқда янги ботинкасидан қирғоқ каби қинғир-қийшиқ излар қолади. Кайнари дарёсини отам ёшлигидан билди, бу навбатдаги учрашув қариянинг кўнглини тоғдек кўтариб юборади.

Водий бўйлаб юриш завқли, алланечук ҳайратомуз сукунат чўккан, лекин навбатдаги бурилиш, тирсакдан сўнг эски қудуқ кўзга ташланиб қолади. Отам ҳайратдан шапкасини юқорироқ кўтариб тўхтади. Кулранг, вақт ўтиши билан қорайган қудуқ лайлагида нақ қотириб қўйилгандек қора қарға ўтирибди. Чол бу каби очофат қушларни жинидан ёмон кўради, шу сабаб учуриб юбориш мақсадида теварак атрофга аланглаб қараб тошми кесак қидира бошлайди. Қўлига илинган нарсани отиб қудуқ томон шошади.

Отган тошлардан бири нишонга аниқ тегиб, қарға қудуқ лайлагидан аста кўтарилади, юлинган қанотларини қоқиб шудгорга қўниб кўздан йўқолади.

Ота қудуқни кўздан кечира бошлайди. Қудуқнинг қаровсиз қолиб кетганлигини кўриб чолнинг кўнгли гаш бўлади. Қудуқнинг қоронғи тубида ҳаётбахш сув қорайиб кўринади, бироқ бу булоқ кимлардир ташлаган калтак, новдалардан ифлосланган. Лайлак турган тирсак қарийб чириб битган. Қолган қисмини пўпанақ босган, бундан чолнинг аччиғи чиқади, алам қилиб кетади. Қудуқ яқинида ярми ерга чўккан тошни кўриб инқиллаганича ўтиради ва гўё атрофдаги бор нарса қуриб йўқ бўлиб кетаётгандай чуқур уҳ тортади. Булутлар исканжага олган қуёш нақ муаллақ қотиб қолгандай кўринади, сариқ толнинг яланғоч шохлари қилт этмайди, ҳатто Кайнари дарёсининг суви ўзанида қотиб қолгандай кўринади.

Отам дам оляпти. Бизни кўриб келиш учун йўлга чиқаркан, ҳаминша шу водийдан юради ва шу қудуққа етиб келганида бирдам тўхтаб олади. Мана, энди ўтираркан, ким биледи, балки дам олаётгандир, балки бир вақтлар ёз саратонида буғдой ортилган аравада шу ердан ўтганини эслаётгандир. Азбаройи чанқаганидан томоғи қақраб кетган. Уша вақтда, ҳув анави қоя тагида булоқ бўлгувчи эди, ёшгина қиз кўзача кўтариб сув тепасида турарди. Ота ўшанда қиздан сувингиздан ичиб олай, дея илтимос қилган ва шу кўза сабаб биз, олтиталовимиз дунёга келганмиз.

Тош қоя тагидаги булоқ кўзи бекилиб кетган, булоқнинг қаердалигини энди билиб бўлмайди, қоятошдан кузги шудринг аста думалайди. Қовжираб битган, мол еб битирган ўтлар тагидан сув кумушдек товланиб милдираб оқади. Кайнарига етиб унинг лойқа сувига қўшилади, кейин эса жануб томон узоқ-узоқларга оқади. Отам бошини ғамгин, изтиробли, қуйи эгганича ҳамон қудуқ тепасида турибди.

Чекишга ҳам гал келди. Чол дам оляпти. Балки ўша, биринчи учрашувнинг хотираси учун орадан кўп йиллар ўтгач, ана шу қудуқни кавлаганини эслаётгандир. Кеч куз палласи ёмғирда ивиб қазий-қазий ниҳоят мана шу тиниқ сувли қудуқни очган эди. Атроф қишлоқ аҳли миннатдорлик юзасидан қудуқни унинг номи билан аташганди. Одамлар кўп йиллар давомида қарийб бир аср бўйи шу қудуқ сувидан ичиб чанқоқларини қондиришиб келишар ва унинг номини ҳурмат билан тилга олишар эди.

Энди эса, бир вақтлар ўз қўли билан қазиган қудуқ фақат қора қарганингина кунига яраб қолганини кўриб чолнинг бунга ҳеч ишонгиси келмайди. Ўридан туриб қудуқни яна бир сидра синчковлик билан кўздан кечиради, бу сафар кўнгли бир оз таскин топади, айтарли бузилиб кетмабди. Ички девори ҳали пишиқ: тош ташлаб қудуқ чуқурлигини ўзича тахминлайди, настда, барча булоқларда бўлгани каби сизиб чиқаётган зилол сув майда қумларни ўйнатади.

Шундай бўлса ҳам қудуқ қаровсиз қолган, чол нима қиларини билмай пешонасини тириштириб турибди.

Отам дам оляпти. Балки шу ерда, водийда уч гектар ери борлигини эслаётгандир, бир вақтлар тер тўкиб меҳнат қилган ва оиласини боқиш учун ердаги ҳар бир бошоқни эринмай териб олган. Вояга етгач, тўрт томонга тарқаб кетишимизни, қариб, тоби қочиб ётиб қолганида кўргани, ҳолидан хабар олгани келолмаслигимизни билганмикин ўша вақтда, билганида ҳам болалигимизда янада қаттиқроқ севган бўларди — ҳамма гап ҳам, пешонасининг шўрлиги ҳам шунда.

Куз кунлари қисқа: уфқда шафақланиб турган қуёш дам ўтмай кўринмай қолади, борлиққа шом қоронғиси чўқади, шошилиш керак. Эски қудуқ лайлагида қотириб қўйилгандек қора қарга ўтирибди, ота эса водийни ортда қолдириб энди янгигина шудгор қилинган

дала оралайди. Бошини қуйи эгганча маъюс қадам ташлайди. Кейин кўз илгагунича шудгор қилинган дала, зерикарли бўлса ҳам нимаси биландир отамда қизиқиш уйғотади. У шудгорга узоқ қарайди, бирдам тўхтайди. Қўли билан намиққан ерни кавлайди ва бир вақтлардаги каби кўзлари шодликдан чақнайди. Чуқур, сифатли шудгор қилинган ер ҳамиша кайфиятини кўтаради. Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида бўлади.

Шудгор қилинган, уфққа туташ дала ўртасида, ялангликда жойлашган қишлоқча оқариб кўринади. Қишлоқ чеккасидаги ҳовли олдида тўхтаб, четан деворга саватни осиб бир сидра уст-бошига қараб олади. Қўлига ёпишган қора лойни уқалаб туширади. Намиққан сийрак сочини бармоқларини тароқ қилиб тараган бўлади. Умуман, бообрў меҳмон қиёфасига киради.

Қишлоқча фавқулодда кўркам ва шинам. Гарчанд бой-бадавлат бўлмаса-да, ҳамма нарса ҳайрон қоларли даражада пухта, айни чоғда дид билан бино қилинган. Ота шошилмай теварак-атрофга суқ билан тикилиб қадам ташлайди. Бу қишлоқ ниҳоятда ёқиб қолди. Агар ўзимизнинг эски қишлоғимиз бўлмаганда кўчиб келган бўларди.

Бу ерда, Фрумушикада тўнғич акамиз Андрей яшайди. Андрейдан гап очилса, отамиз унинг ҳам бир вақтлар уйимизда катта бўлганлигини, негадир, унута бошлайди. Нимаики бўлган бўлса, ортда қолиб кетди. Энди Андрейнинг сочи оқарган, куёв-келинлари бор, ёши ҳам элликка бориб қолган. Барибир бизни кўриб келиш учун йўлга чиққан отамиз дастлаб оқилу дониш Андрей билан маслаҳатлашиболиш учун Фрумушикага қўниб ўтади. Андрей қуйиб қўйгандек нақ отамизнинг ўзи. Отамиз бир вақтлар ёшлигида Андрейга ўхшаган эди.

Оёғида ҳаддан зиёд катта калиш кийиб олган қизча четан девор узра кўринаётган отамизнинг учли шапкасига кўзи тушиб уйга бақариб кириб кетади...

— Ойи! Бувамиз кевотти!

Фрумушикадагиларнинг қарийб бари украиналиклар, фавқулодда кўнгилчан отамиз на келини, на неваралари унинг тилида гаплашмасликларига шу вақтгача ҳеч кўниколмайди. Отамизга келсак, у ўз она тилидан бўлак тилни ўргана олмайдиган молдаванлар тоифасига киради.

Ғизча кириб кетган уй остонасида пешбанди ун, енглари шимариглик, тирсагигача хамир ёпишган па- канагина хотин пайдо бўлади. Ғайнотасини таниб ёй- либ кулади, олдин чап томондаги, сўнг ўнг томондаги қўшниларига нимадир деб қичқиради ва ниҳоят нақ сахнада тургандек қўлларини баланд кўтариб эшик то- мон юради.

— Отажон, қадрдоним...

Бу хонадонга ҳурмати баланд эканлигини таъкид- лаб отам тош терилган йўлакка сиполик билан қадам қўяди. У уйга оддий эшикдан эмас, балки дарвозадан киради. Эшикни ўн олти ёшлар чамасидаги озода, са- ришта кийинган йигитча очади. Кўришиш учун чўзил- ган қўлни ўпгач, шу заҳотиёқ онасининг ишорасини тушуниб хўп бўлади, дегандек бош қимирлатади ва яп- янги велосипедини етаклаб ташқарига югурганча чи- қиб кетади.

Ғишлоқ этагида колхоз машина устахонасининг узун биноси кўринади. Ғоронғи гаражда қисмлари бў- лак-бўлак қилиб териб олинган трактор тагидан венти- лятор қайишини ушлаган бўй-басти келишган одам чиқиб келади. Унинг икки кўзи қайишда, аммо бир йўла ҳозиргина велосипед миниб келган йигитчанинг гапини ҳам тинглапти. Ўғлининг гапини диққат би- лан эшитгач, ишдан қўйганлари учун ранжигандек қошларини чимиради, ҳорғин жилмаяди, кейин йигит- чанинг олдига келади, тоза костюмида доғ кўриб ҳаф- сала билан артиб ташлайди. Гўё отаси билан учрашиш- дан олдин, дастлаб қариянинг кўз ўнгида саришта ўғ- ли қиёфасида намоён бўлиши керакдай ўғлининг ҳус- нига ярашган олтинсиммон сочини тарайди. Ниҳоят, кў- зи қўлидаги вентилятор қайишига тушиб, ўғлига май- ли, дегандек бош қимирлатади ва яна трактор тагига кириб кетади. Айни чоғда, гўё шошиладиган ери йўқ- дай, мамнун қиёфада шошилмай чаққон ишлайди. Тўғри, дам-бадам мийиғида кулиб қўяди, аммо бу узоққа чўзилмайди. Ғайишни жойлаштириб бўлибгина расмана кулади ва ёнма-ён турган трактор тагида ёт- ган ҳамкасбига қичқиради:

— Петро, эшитяпсанми, чол келибди!

Кейин трактор тагидан чиқиб, пақирдаги бензинда қўлини ювгач, латта-платта билан обдан артади. Кейин, гўё у қўлини юваётганида уйда меҳмон борлиги хаёли-

дан кўтарилгандай қишлоқ томон аста, шошилмай юриб кетади.

Бу орада отамиз олиб келган совғаларини (набираларига тенг тақсимлаб) стол устига териб чиқади ва неваралари остонада ёғочдек қотиб туришганини кўриб нима қиларини билмай эсанкираб қолади. Ким билди: уялишяптими ёки иззатталаблик қилишяптими. Иккита катта-катта патнис кўтарганча Андрейнинг хотини киради. Мезалар нақ кўрғазмага терилгандек йирик-йирик, ширин кулчалар ҳам ҳар турли, жим-жима гулли. Чол олиб келган совға-салом бир нафасда қадрини йўқотгандек бўлади. Андрейнинг хотини кўринишдан уй юмушлари билан чиқиб кетишга шай турибди, бироқ хонага чўккан шубҳали сукунат уни ниятидан қайтаради, дам отам олиб келган совғаларга қараб, дам остонада гуж бўлиб турган болаларига қараб, нима бўлди ўзи, дея бир муддат мулоҳаза қилади. Кейин, фалокат юз бергандек, қўлларини боши узра кўтаради:

— Отажоним, қадрдоним!!!

У болаларидан баъзиларини бекитиқча гарданига туртиб қайнотаси ёнига бошлаб келади, айримларини совғаларни олишга мажбур қилади, кўнгил учун бирикки тишлаб тотиб кўришгач, болалари қуршовида шошиб чиқиб кетади. Турткилардан беҳабар отамиз ёлғиз қолгач, невараларининг бу қадар шошилишч чиқиб кетишларининг сабабини билолмайди, шундай бўлса ҳам:

— Ҳечқиси йўқ. Ҳаммаси жойида, — дейди тепакалини мамнун силаркан.

Андрей ниҳоят уйга қайтади. Одатдагидек бамайлихотир қадам ташлайди. Эшиги ёпиқ магазин олдида тўхтайдди. Эшикка қулф осилган, бироқ қулфланмаган. Бу нима дегани? Бу сотувчининг иш соати тугади, бироқ кундалик план тўлмаган, кимнинг пули бўлса марҳамат, у оёқ тираб турмайди. Савдо қилиши мумкин. Андрей уч-тўрт дақиқа кутиб туради, кейин қўшни хонадондан елкасига фуфайка ташлаб олган тўлагина хотин чиқади. Елкасидаги фуфайка яп-янги, савдо қозони йиртилмаган, демак, харид қилинмаган, сотилиши керак.

Орадан беш дақиқа ўтиб, Андрей харид қилган нарсалар устида нақ курка товуқдай ўралашади. Икки

пиша ароқ, уч пиша вино, бир боғлам колбаса ва оқ шойи кўйлак, шунча нарсани қандай олиб кетади — буни биргина худонинг ўзи билади. Шунда сотувчи ёрдамлашиб юборади. Харид қилган нарсаларини чўнтақларига жойлаб беради. Андрей шимининг чўнтаги ҳам нақ омбор: харид қилган нарсалари жойланиб, яна совқотган одам қўлини иситиб олиши учун жой ҳам қолади.

Андрейнинг хотини енг шимариб ишга киришиб кетди. Супуриб-сидиради, кир ювади, уйга кириб дастурхон ёзади, учта чўчқага ем беради, қўлларини ювади, омбордан тузланган олма олиб чиқади, шунча ишни бажариб, яна хонага, қайнотаси олдига кириб бисотидаги туганмас Фрумушика янгиликларидан гапириб беришга вақт топади ҳам. Ҳар сафар гапини «Отажоним, қадрдоним!» сўзларидан бошлайди.

У ишга чечан, сўзга чечан. Шунчалик тез гапирадик, украинчани умуман тушунмайдиган отамиз, маъқул, дегандек кулиб бош чайқайди: «Ҳечқиси йўқ. Дуруст», дейди.

Андрей уйга қайтаркан, йўл-йўлакай учраган шубҳали ҳамқишлоқларини кўриб, кўрмасликка олар, бироқ новча, қотма танишига унинг кўриб, кўрмасликка олиши оғир ботди шекилли, Андрейни чақириб тўхтади ва олдига борди. Нималар тўғрисида пичирлашишди, баланд бўйли таниши бирдан колбаса ҳидини сезиб қолди. Эгилиб, Андрейнинг чўнтақларини ушлаб кўрди ва бу ёғи қандоқ бўлди, дегандек қошларини чимирди. Андрей мийиғида кулди-да, гап нимада эканлигини тушунтирди ва йўлида давом этди. Баланд бўйли таниши эса, гўё меҳмон Андрейникига эмасу, уникига келгандай, шу заҳотиёқ магазин томонга йўрғалаб қолди.

Бу орада Андрейнинг хотини меҳмон келди, деб қўшниларини айтиб чиқди. Қўшниларидан иккитаси остонада туриб олиб, савлат тўкканларича худди халқ қўшиқлари айтаётгандай, чайқалиб чолга нималарнидир ҳикоя қилишяпти. Андрейнинг хотини дам-бадам хонага кириб гапга араллашиб туради, отам бўлса деразага қарайди (нима бўлди, шу вақтгача Андрейдан хабар йўқ!), қўшни хотинларга: «Ҳечқиси йўқ, дуруст...» — дея кулиб қўяди.

Энди Андрей катта йўл қолиб, ҳовлилар этагидан,

пасқам жойлардан ўтиб келяпти, бироқ кутилмаганда баланд пичан ғарами ортидан бақалоқ таниши чиқиб келади. У йўл-йўлакай шимининг тугмасини солганча Андрейни тўхтатди. У ёқ-бу ёқдан бир-икки оғиз гаплашишган бўлишди, шундан сўнг Андрей банд киши қиёфасида йўлида давом этди, бақалоқ эса турган еридан қимирламайди — Андрейнинг хатти-ҳаракати, авзойи шубҳа уйғотди. Андрейнинг чўнтаклари сезиларли дўппайганини кўриб дарҳол қузиб этди ва пайпаслаб кўрди.

Сельмагнинг эшиклари энди ланг очиқ. Сотувчи аёл елкасидаги ҳали сотилмаган фуфайкани аллақачон ташлаган, савдо қизиб кетди. Андрейнинг ҳамқишлоқлари дўкондан ўзларида йўқ хурсанд чиқиб келишади.

Отам қарийб тун бўйи юқорида, стол тўрида, ўғли Андрей совға қилган шойи кўйлакда ўтирди, уй тўла меҳмон, базми жамшид. Чамаси, саккиз жуфт меҳмон. Дастурхон атрофида меҳмонлар бир-бирларини қадрдонларча елкаларидан қучиб ўтиришар, «Йигитлар, отларни аравадан чиқаринг» деган қўшиқни айтишар, шундай куйлашардики, дераза ойналари зириллаб акс садо берарди. Чамаси, отамнинг ҳам хаёлида саҳар пайти сувга чиққан қиз гавдаланаётган бўлса керак, гарчанд қўшиқнинг сўзини ҳам, куйини ҳам билмасида, ҳамма қатори ашула айтяпти. Унда-бунда қисқа сукунат орасида тортиниб куларкан, хонадаги ҳукмрон байрам кайфиятига: «Ҳечқиси йўқ, дуруст», — деб қўяди.

Меҳмонлар эрталабга яқин уй-уйларига шўх-шан, толиққан ҳолда тарқалишди. Андрейнинг хотини эса болалар ухлаб ётган кичкина хонага кирди ва каравотлари ёнига ўтириб мудрай бошлади, ҳали-замон базм кизиган хонада икки киши — ота ва ўғил қолди. Бир-бирларига айтадиган гаплари кўп, вақт қурғур озки, олдинига чурқ этмай жим ўтиришди, кейин Андрей шамоллаган овозда аста молдавонча қўшиқни бошлади, отам чўчиб тушди. Қачонлардир, бир вақтлар бу унинг севимли қўшиғи эди. Йиллар ўтиб унутилганди. Эядиликда ўғилларидан бири қўшиқни эса сақлаб қолганини эшитиб, ўз қулоқларига ишонмади.

Кексалик киши устидаги энгил-бош,  
Кўтариб юриш оғир, мисоли у тош...

Андрейнинг хотини саҳарда эшик олдига чиқади. Меҳмон кутиб чарчаган, толиққан, маъюс. Ҳаддан зиёд чарчаган. Бундан ташқари у отамизни сидқидилдан ҳурмат қилади. Қарийб тиззасигача етадиган узун иккала қўли ҳаракатсиз осилган ва у ўз-ўзига, одатича ғамнок дейди: «Отажоним, қадрдоним...»

Отам бўлса, аллақачон қишлоқдан чиққан. Яхши кутиб олишганидан кўнгли тўлган, иззатини билиб аста қадам ташлайди. Ёнида катта акамиз ички ёниш услубига асосланган моторлар ҳақида машаққатли ўй суриб боради. Қишлоқдан анча нарида, янги катта йўл бошланадиган ерда улар хайрлашадилар. Отам азбаройи ҳаяжонланиб кетганидан Андрейнинг пешонасидан ўпади. Андрей эса унинг қўлини шошилишча қисиб, мийирида кулади ва ўгирилиб узоқдан, аранг кўзга чалиниб турган қишлоқ устахонаси томон тўғри шудгорни кесиб йўл солади. Отам катта йўл ёқасида ўғлидан кўз узмай кузатиб қолади. Андрей узоқлашаркан, кузнинг тонгги ғира-шира туманида тобора кичрайиб боради, бироқ отам кетдими-йўқми кўрай деб бирор марта қайрилиб қарамайди. Отам эса тракторчининг меҳнати қанчалок оғир, дея ўзича ўйлайди: мойланган гайкалар хаёлингни бир олдими, бас, ўз ҳолингга қўймайди. Шу гайкаларга ўғлини тошширганидан кўнгли чўқади. Бироқ ўзига тўқ яшашидан боши осмонга етади.

Куз кунлари қисқа, вақт тез ўтиб бормоқда. Отам йўлида давом этади, бироқ янги йўлда юришнинг ўзи бўлмайди, қийин. Йўл бир текис эмас, бир қисмига тош терилган, бир қисмини машиналар ўйиб ташлаган, паст-баланд йўл чеккасига шағал уюми тўпланган, афтидан, ҳали ётқизиш улгуришмаган. Қайси бир тепалиқдан сўнг йўл аста-секин пастлаб боради. Йўл бир қарашда текис кўринади, йўловчи эса қиялик эканлигини сезади, бундан отам хурсанд бўлади. Қиялик анчайин узун, пиёдага бу асқатади.

Қиялик белига етганида отамни қоп ортилган арава қувиб ўтади. Аравакаш аравага чиқиб олинг, дея бош қимирлатиб таклиф қилади, бироқ ҳориган отам, азбаройи юки оғирлигидан кўпириб кетган отларга кўз ташлаб, таклиф учун миннатдорчилик билдиради, аммо аравага чиқмайди. Шундан сўнг араваларнинг кети узилмайди, ҳаммасига ҳам буғдой ортилган.

Аравакашлар чиқиб олинг, дея таклиф қилишади, қайсар чол эса, отларга раҳми келиб миннатдорчилик билдиради, раҳматлар айтади ва яёв кетаверади.

Икки километрча юргач, қиялик оёғига етгач, катта йўл ҳам тугайди ва йўловчиларни асфальт ётқизилган кенг йўлга узатади. Асфальт йўл одми қишлоқ йўлларига мўлжалланган аравалар учун ортиқча ташвиш; асфальт йўллардан эндиликда юк ортилган машиналар елдек учади, аравалар эса навбатлари келишини пойлаб, йўл чеккасида қинғир-қийшиқ тизилиб туради. Отам араваларга ўрганган эмасми, кўнгил узиб кетолмайди. У тентак аравакашларнинг ёнини олмоқчи бўлади. Йўл чеккасида туриб олиб бирон-бири тўхтар, деган умидда машинага қўлини кўтаради, мабодо машина тўхтаса, у шофёр билан гаплашиб олгунимча аравалар йўлни банд этишади, деб ўйлайди. Аммо шофёрлар ҳам анойи эмас-ку.

Отам ўзини хавф остига қўйиб йўл ёқасида турар, қишлоқ аравалари учун жон куйдирар экан, аравакашлар асфальт йўлдан нарироқда эски йўлни топиб ўша ёққа бурилишади ва шимол томон кетишади, отам бўлса, миясини еган аравакашларни ўзича сўкиб яна йўлга равона бўлади. Бошини қуйи эгганича нималарнидир ўйлаб одимлайди, шу кўйи бир неча километр йўл юриб бир маротаба ён-верига қарамайди.

Баланд тепалик ортидан қанд заводининг яп-янги, ҳали тутун чиқиб қорайиб улгурмаган баланд дудбурони кўринади. Отам шапкасини бир оз орқароқ суриб енгил нафас олади, етиб келди чоғи... Йўлдан бир оз чеккароқда сийраклашган дарахтзор бор. Чол ниманидир узоқ ўйлайди, кейин шудгорни кесиб тўғри дарахтзорга қараб йўл солади, йўл-йўлакай ўғринча атрофга қараб камарини ушлаб қўяди. Гап шундаки, район марказида истиқомат қилувчи акамиз Николайнинг ҳожатхонаси бор. Ҳар сафар Николайни кўргани келган отамиз хонадондаги ҳожатхонага киришдан уялиб олдин шу дарахтзорга кириб ўтади.

Район марказига кираверишда, шундоққина йўлни кесиб ўтгандан кейин ишчилар шошқалоқлик билан темир йўл изини алмаштиришяпти. Поезд келгунча ишчилар бу изни алмаштириб бўлишадими-йўқми, тах-

минлаб кўриш учун ишчилар олдига боради. Улгуришмайди чоғи. Ермаклашиб юбориш учун енг шимарган отам назарида ишни енгил кўчирадиган таклифларини айтади. Ишчилар отамга жон дея зилдек оғир темир йўл изининг бир учини тутқазишади, аммо чолнинг таклифларига қулоқ солишмайди, отам буни кўриб ранжийди ва кетиб қолади. Кузги намиққан, юриш машаққатли йўллардан сўнг темир йўл ёнидаги, яккамдуккам ўтлар устида ҳайрон қоларли даражада енгил қадам ташлайди.

Вокзал биноси орқасида, дон омборхоналари ва очиқ майдончалар гавжум, Дон ортган аравалар, машиналар турнақатор, тарози, олдида навбат кутиб тизилишган, ҳаммаёқ дон, тўкадиган бир парча ер қолмаган. Маккажўхори тоғ-тоғ қилиб уйиб ташланган. Ерга тўкилган дон устига брезент ёпилган. Машиналар, араваларда кетма-кет олиб келишаётган донни ерга тўкишади, оёқ босадиган ер йўқ. Машина ва аравалар сабр билан навбат кутади, шарқ ва ғарб томондан келаётган машина, араваларнинг кети узилмайди.

Отам қотиб қолди. У ҳайратдан ларзага келган. Дон денгизининг қаеридадир унинг қўллари билан етиштирилган ўн қопча дон бор, бироқ Қора денгизда Дунай сувлари билан Днестр сувини ажратиб бўлмагани каби у етиштирган донни ҳеч ким тополмайди. Бу нарсадан у ҳайратга тушади, бу манзарага тикиларкан, кўзи тўймайди, нигоҳини узолмайди. Барча буюк нарсалар, айниқса, бир жойга тўпланган дон уни ларзага солади.

Тарозилардан бирининг тепасида тўполон бошланиб қолади. Ғуж бўлган одамлар бир-бирига гал бермай бақиради. Уларни кузатиб чурқ этмай ёнма-ён турган тўдадан битта-яримта мард чиқиб келиштириб қўймоқчи бўлади. Бироқ тўда орасига кириши билан бир-икки оғиз гапдан сўнг оломонга қўшилиб сингиб кетгандай бўлади. Яна икки томон ўртасида даҳанаки жанг бошланади, ҳамма ўзининг гапини маъқуллаб бақиради.

Икки томонни мурасага келтириб қўйишдек савоб иш отамни ҳам тинч қўймайди. Ўзини мардларча тўдага уради, орадан дақиқа ўтмай тугмачалардан қарийб айрилганича тўда ичидан отилиб чиқади. Бу атрофларда дон ҳақида баҳс бошланса, ўртага тушмаган маъқул.

Бу орада кичкинагина паровоз тавақаси очиқ вагонларни тортиб келиб қолди. Вагонлар тўхтар-тўхтамас шу заҳотиёқ дон нақ тарновдан оқаетган сувдек вагон ичига оқа бошлади. Дон ортишнинг бу усулини кўриб ҳайратга тушган отам яқинроқдан кузатиш учун вагон томон сишиқади. Бироқ қайсидир машинадан тушиб қолган маккажўхори сўтасини босиб олиб қоқилиб кетади. Сўтани қўлига олади, халтасига солмоқчи бўлади, бироқ йиғилганлар орасидан милиционер шапкасига кўзи тушиб шошқалоқлик билан вагон ичига улоқтиради.

Донни вагонларга эндигина орта бошлашган ҳам эди, кутилмаганда нимадир қулоқни қоматга келтирган даражада тарақлаб кетди. Омбордан нарида йўл устида юк машинаси ағдарилиб ётар, уч тонна маккажўхори ер билан битта сочилган, ёнма-ён эса мотори мажақланган машина тутаб ётибди. Шофёрлар, юк ташувчилар, шунчаки, бекорчилар милиционернинг акт тузишини томоша қилиш учун ўша ерга чошиб қолишди. Қария ҳам томошадан қуруқ қолмаслик учун оёғини қўлга олиб, югуриб кетди.

Йиғиштириб бир ерга тўпланган донни кўрган чолнинг нафси ҳакалак отди, иштаҳаси очилиб кетди, иссиқ нон егиси келди. Турли томонга кетган темир йўллардан қўрқа-писа ўтиб, район марказининг катта бош йўлига чиқиб олди, сўнг нон дўконига кириб навбатга турди. Қип-қизил пишган бир буханка нон олгач, ўтириб бемалол тамадди қилиш мумкин бўлган жой ахтарди, бе, қаёқда. Емакхона номигагина, тор, устига-устак хўрандалар билан тўла, вокзалдаги буфет ҳам шундай, одам тирбанд, ўтирадиган кафтдек жой йўқ. Ун чоғли мужик омбордан нарироқда шошмашошарлик билан ағдариб кетилган тахталар устида магазиндан олган нонларини баҳам кўришяпти. Чол ҳам бориб улар ёнига ўтирди. Атрофни у ёқдан-бу ёққа ўтаётган юк машиналарининг ўкириши, вагонларнинг бир-бирига урилиб тарақлаши, паровозларнинг қичқириви тутган, бироқ чолнинг қулоғига ҳеч нима кирмайди. У тамадди қиляпти.

Обдан қорин тўйгазиб олгач, чол қўлини чайиб олиб, халтасини кўтарганича йўлида давом этади. Қанд заводи шаҳарчаси кўзни қувонтиради, лекин бир-бирига ўхшаш уйлар чолни чалғита бошлайди. Кўчанинг

чап ва ўнг томонидаги уйларнинг нақ бир-бирига ўхшаш томларига бир хил шифер ёпилган, дудбуронлари ҳам бир хил қизил ғиштдан тикланган, дераза, эшиклари ҳамда дарвоза ва деворлари бир хил рангга бўялган. Отам тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек бўшашиб қадам ташларкан, охири қаёққа боришини билмай тўхтаб қолади.

Николай қирқ еттинчи уйда яшайди, буни отам жуда яхши билади, аммо бу рақамлар қай кўринишда эканлигини тамомила унутган. Ёшлигида савод чиқарган, орадан қанча йиллар ўтиб кетди, қиттак ҳаяжонландими, бас, ҳамма нарсани унутади-қўяди.

Ниҳоят, эшикка ўрнатилган таниш қўнғироқ тугмачаларига кўзи тушиб отам ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетади, қўнғироқчалар ҳам турфа: бири юқорироқ ўрнатилган, бири пастроқ, баъзилари думалоқ, баъзилари чўзинчоқ. Қўнғироқлар орасидан битта дарз кетганини гўё мезбон дароз меҳмон кутаётгандай, юқорироқда ўрнатилганини танлаб отам тугмачани босади.

Орамизда энг қувноқ ва шўхимиз Николай ваннада оёғини иссиқ сувга солиб ўтирибди. Қўнғироқ товушини эшитиши билан меҳмонни хушлаётгандай қўлини баланд кўтаради, аммо эшикни очишни хаёлига ҳам келтирмайди. Бир муддат шу кўйи остонада туриб, янглишдим шекилли, деган хаёлда отам изига қайтиб яна шаҳарчани айлана бошлайди. Бир хил уйларни кўриб ҳам ажабланади, ҳам аччиқланади. Қиттак отиб олгач, уйингни топиб кўрчи. Ҳар бир ҳовлида саккизтадан олма ниҳоли, тўрттадан оппоқ товуқ ва остонада бир жуфт эски пойабзал. Гарчанд ҳали келганида остонасида бир жуфт ҳаддан зиёд катта калиш ётган бўлишига қарамай отам ана ўша дарз кетган қўнғироқ тугмачаси тагига боради. Ваннада ўтирган Николай икки қўлини боши узра кўтариб меҳмонни чин қалбдан хушлаётганини билдириб бармоқларини силкитади, лекин эшикни очиш учун ўрнидан турмайди. Азбаройи жаҳли чиққанидан отам, бундан ўттиз йил муқаддам, ҳали биз иштонсиз югуриб юрган вақтимиздагидек, жаҳл билан бақириб чақиради:

— Мэй, Коля, мэй!

Бечора Николай! Пешонаси шўр экан шекилли, орадан ўттиз йил ўтибди ҳамки, бу овоз ҳамон ҳукмини бирдек ўтказяпти. Нақ ток ургандек у сакраб ўрни-

дан туради, эшикка отилади, отасини қучоқлайди, шундан сўнгина қўллари шалвираб тушиб қовоғини уйиб олади: нега энди менга ёш болага бақиргандек бақиршади? Отам ҳам ўзини ноқулай сезади: бўйи бўйинг билан баровар ўгилларингга бақирини яхши эмас, боз устига, ўзинг меҳмон бўлиб келган бўлсанг.

— Ие, ота, мени кўргани келиш қаердан эсингизга кела қолди? — Николай, ҳамиша шунақа, меҳмон келса таажжубга тушаверади. Йил — ўн икки ой бирдек: меҳмон келишини хаёлига ҳам келтирмайди.

— Шу десанг, ойинг билан гаплашиб, фақат бир кўриб келмайманми, дедим...

— Майли энди, келишга келибсан, қани киравер...

Мишмишларга қараганда Николай оиламиздагилар орасида энг бадавлати. Ширинлик ҳаммага ҳам ёқади, қанд заводида омборчи бўлиб ишлаш, бу — пичоғинг мой устида деган гап. Сираси, бизнинг Николайнинг ёмон бир одати бор. Меҳмон остонага қадам қўйса бас, уйда жанжал бошланаверади. Николай, ночор, қўл учида кун кўряпмиз, дейишни яхши кўради, хотини эса уларни бадавлат оила дейишларини, ҳавас билан қарашларини ёқтиради.

Келин отам билан сўрашиб бўлгач, уй ичида чир айланиб йиғиштиришга киришади. Йўл-йўлакай иккита тикув машинаси устига нарса ёпиб ўтади, дарпардани тўғрилайди, шу ондаёқ янги приёмник устига сочиқ ташлайди. Бу юмушларни отам кўрсин, эсда сақлаб қолсин, дея алоҳида эътибор билан бажаради. Хотинининг бу аҳмоқона мақтанчоқлигидан жони ҳиқилдоғига келган Николай жиғибийрони чиқиб:

— Аника! — дейди.

— Нима?

Отам келинларини айтарли хуш кўрмас эди, шу боис, Николай отамга:

— Ошхонага чиқа қоламиз. Иссиқроқ, — дея таклиф қилади.

Отасини ўтқазиб шу заҳотиёқ кичкинагина қазноқнинг эшигини очади ва ошхонага эски-туски нарсаларни: эски пойабзал, пичоқ, бочкача, мўйнали латтапутталарни олиб чиқди. Отам эски-тускиларни узоқ ва синчиклаб кўздан кечиради, очиги, ўз уйида бу каби эски-тускиларни аллақачон ташлаб юборган бўларди, аммо Николай унинг ёнига келиб ўтираркан, ҳазил-

лашган каби эски-тускиларни ямашга киришади, унинг оппоқ, чаққон қўллари чолни ҳайратга солади. Николай оиладагилар орасида энг меҳнаткаши. Одам қандай қилиб қўл қовуштириб бекор ўтириши мумкин, кўз олдига келтиролмайди, қариндош-уруғлардан бирон кимса меҳмон бўлиб келиб қолгудек бўлса дарҳол юмушга тортади...

Улар шу кўйи бирмунча вақт жимгина ишлайдилар, нафас олишларигина эшитилади. Николай ҳансираб чуқур-чуқур нафас олади, отам бўлса нақ икки-уч минут оралаб бир маротаба «уф» тортиб қўяди. Ота-бола кўп йиллар бирга ишлашган, эсга олса олгудек... Хотираларга берилиб дам унис, дам буниси ўзича мийғида кулиб қўяди. Кейин Николай дейди:

— Ота, эсингиздами, бир куни иккаламиз...

Хотирлашга арзигулик воқеалар бўлган. Николай вояга етганида, ота ҳали қувватдан қолмаган эди. Хотиралардан сўйлашарди, умр машаққатли ўтганди, шу боис суҳбат қовушмайди, гина-кудурат аралашади. Отам ҳозир меҳмон, гинахонлик қилиши ноқулай, у ўзини тияр, бу эса Николайнинг жаҳлини чиқаради. Тўнини тескари кийиб олади, ямаш-яқашни бир чеккага йиғиштиради, аллақачон унутилиб кетган жинжални яна қўзғайди. Николай ўзини оилада энг ўксик деб ўйларди. Ҳозир у отамдан нега хафалигини унга яна тушунтиряпти. Маълум бўлишича, оилада ҳаммадан кўпроқ уни калтаклашганмиш, арзон-гаров матодан кийим-кечак тиктиришганмиш, ўқиш китоблари олиб беришмаганмиш, дарс тайёрлаш учун бировларникига боришга мажбур қилишганмиш, уйланганда эса энг ёмон ерни ажратиб беришганмиш. Бу гапда бир қадар ҳақиқат, бир қадар ёлғон бор, аммо отам гапни чувалаштирмаслик учун, шунчаки луқма ташлаб қўя қолади:

— Вақт шунақа эди, ўғлим...

Вақт алламаҳал бўлганида ота-бола яна ўша ошхонанинг ўзида овқатланишга ўтиришади. Дастурхонда қовирилган балиқ, жўхори бўтқа ва оқ пишлоқ. Николай мақтанади:

— Миллий таом.

Кейин отамга саноат спиртидан қуйиб беради. Отам спиртни ичиб нафас ололмай қолади. Николай сўрайди:

— Андрей қалай? Она тилимизни унутиб юборган бўлса керак?

Ота аранг нафас олиб кўз ёшларини артаркан, ўғли Андрейни ҳимоя қилишга шошилади.

— Нега энди унутаркан? Молдаванча ҳамма гап-сўзни тушунади.

— Ҳеч балони тушунмайди.

Овқатдан сўнг Николай отамга шу ернинг ўзида, ошхонада ухлашга жой солиб беради. Бу зерикарли ишни қўл учида бажариб бўлгач, тиз чўкиб ўтиради ва отамнинг ечинишини кузатаркан, бир вақтлардаги хафа қилишгани учун нима юлиб олиб қолиши мумкинлигини ўйлайди. Чолнинг белбоғида осилиб турган чиройли қаламтарошни кўриб ўзига тортади. Қаламтарош унга ёқиб қолди. Қалантарошни чўнтағига солиб қўйиб, эвазига эски-тускилардан нимадир олиб келиб беради ва бу айрибошлашдан бир қадар мамнун бўлиб, отамга хайрли тун тилаб чиқиб кетади.

Отамга хотирадан ўча бошлаган, аммо энди Николай қайта жонлантирган воқеалар тун бўйи тинчлик бермайди, шунданми, ўтган ҳаётидан кўнгли тўлмайди, ошхонада нафаси қайтиб ўзини лоҳас сезади, кўзига уйқу келмайди. Эртаси эрталаб кечаги гинахонликни унутолмай, бир-бирлари билан ярашмай район маркази чеккасида туришибди. Кичкинагина автобус бекати ҳувиллаб ётибди. Асфальт йўлда эндигина ҳаракат бошланмоқда, дам машина, дам янги конструкциядаги антиқа комбайн ўрмалаб, дам мотоцикл патиллаб ўтиб қолади. Завод омборчиси бўлганидан бери Николай барча машиналарни беш қўлдай яхши биллади. Йўл ёқасида мағрур кўкрак кериб тураркан, ўзини машиналарни кўриқдан ўтказаётгандай тутуди, ҳайдовчилар ҳам ҳазил-мутойиба қилиш учун тормоз бериб машинани секинлаштиради. Отасини буткул унутган, фақат узоқлашиб бораётган автобусни кўриб, отаси кетаётганлигини фаҳмлади, ҳар эҳтимолга қарши шапкасини силкитиб қўйди. Яна хафа бўлиб ўтирмасин, ҳар қалай бегона эмас!

Эндигина кўтарилиб келаётган қуёш нуридан кузги дала узра сезилар-сезилмас даражада буғ кўтарилади. Кенг асфальт йўл жануб томон чўзилган, автобус эрталабки намхуш ҳаводан ҳузурлангандек ман қи-

линган тезликда учиб боради. Бор-йўғи биттагина йўловчи, жавобгарлиги нима бўларди?!

Тиқилинч автобусларда сайр қилишга ўрганиб қолган отам қарийб бўм-бўш автобусга чиқиб қолиб нима қиларини билмай танг қолган. Нима қилса, икки-уч жойни банд қилади, боши қстган, олдинги қатордаги ўриндиқнинг бирига, халтасининг ёнига бош кийимини қўяди, ўзи эса иккинчи қаторга ўтиради. Шу кўйи бир йўла тўртта жойни банд қилади. Ён томон ойналардан қуёш нури ёғилади. Чол офтобда исиниб кўзларини ҳузур қилганча қисади. Гоҳо, куз охирлаб қолган палла кун ёздагидек исиб кетади, шунда молдавanning қувончи ҳеч қаёққа сифмайди.

Автобус бекатларда тормоз беради, эшиклари кенг очилади, ҳеч ким чиқмайди. Қуёш нуридан танасига иссиқ ўтган чол эса йўлим узоқ, ҳали-бери тушмайман, дея огоҳлантирганнамо бош чайқаб қўяди. Муюлишдан ўтгандан сўнг йўл ёқалаб чўзилган қишлоқча кўриниб қолади. Парранда, ҳўл мева, сабзавот тўла сават кўтарган элликка яқин колхозчи автобус кутиб бекатда турибди. Улар турнақатор тизилишган, тартибли туришибди, хотиржам писта чақишади, аммо шофёр уччига чиққан ғаламис экан, автобусни нақ бекатдан юз метрча берида тўхтатди. Мўйловини виқор билан бураркан, бекатдагилар кўрмасин, дея паналаб автобусдан сакраб тушди-да, ўзини тор кўчага урди.

Навбатда турганлар, нима бало бўлди, автобусни бекатга етиб келмай тўхтатди, деб таажжубга тушадилар. Улар навбат кутиб туришаркан, наҳотки бекатни ўша ерга кўчиришганикин, деб ўйлайдилар. Тартибни бузиб, ҳамма юкини кўтарганича автобус томон югуради.

Автобусда ўтирган чолни узоқдан кўриб шляпаларини силкитишиб қутлашади. Отам тортиниб саломлашади. Оломон тўғри ўзини орқа эшикка уради, аммо эшик ёпиқ. Олдинги эшикка ёпирилишади, бироқ уринишлари беҳуда. Шофёр аллақачон ғойиб бўлган, эллик чоғли колхозчи, юз чоғли мушт эшикни очишни талаб қилиб, автобусни ноғора қилиб чала бошлайди. Оломоннинг бу ғазабини ўзига қаратилган тушуниб отам ноилож елка қисади: эшикни қандай очишни ёлғиз худонинг ўзи билади! Лекин колхозчи-

лар эшикни очиш йўлини билар эканлар. Имо-ишора билан отамга тушунтирадилар. Ниҳоят отам эшикни очишга жазм этади. Орқа эшикка бориб икки тавақа орасидаги резина тирқишга бармоғини тиқиб кўради, бўлмайди, бир иш чиқара олмагач, олдинги эшикка келади, бу ерда ҳам уддасидан чиқолмайди.

Оломон унинг уқувсизлигидан ғазабга келади. Кимдир башарасини бужмайтиради, кимдир муштини кўрсатади. Отам саросимага тушиб нарсаларини йиғиштира бошлайди, вақт ғаниматида ўзининг қонуний жойини эгаллайди. Отамнинг бу қилмиши оломоннинг сабр косасини тўлдириб юборади, нақ автобус билан чолни мажақлаб юборгудек шовқин-сурон кўтаради. Отам даҳшат ичида нима қиларини билмай ҳайрон. Гарчанд ўзини ҳақиқий молдаван ҳисобласа-да, шунча молдаваннинг бир ерга тўпланганини кўриб совуқ терга тушади.

Шофёр қовурилган товуқ оёғини ғажиганча тор кўчадан чиқиб келади. Йўловчилар ур-йиқит билан автобусга чиқади, машина ўрнидан қўзғалади. Кенг йўлнинг икки томонида бир-бирини қучоқлагандай аргувонлар бўй чўзган, барглари тўкилган, шохлари автобус томон, деразаларига қамчилаётгандек урилар, ҳайдовчи эса бой берилган вақт учун машинани жонжаҳди билан учуриб ҳайдарди. Автобус одамлар билан тўлган, отам эса албатта жой етмай қолганлар орасида. Эллик йўловчи чолни сўкиб таҳқирлайди, қария нажот кутиб теварак-атрофга аланглайди. Ҳимоя қилармикин, деган умидда шофёрга қарайди. Бироқ шофёрнинг пешонаси устида осиклик кафтдеккина кўзгуда унинг юзини кўриб, ичида сўкади, чунки шофёр қовоғини уйиб олган. «Отахон, халқ билан бунчалик муомалада бўлиш одобдан эмас-ку!» дегандек бармоғини лабига босиб унга пўнуса қилади.

Бир неча қақиримдан сўнг, яна йўлнинг икки томонида ёйилган бир қишлоқ кўриниб қолади. Қишлоқнинг чеккасида баланд девор билан ўраб олинган, одамлар эндигина тўплана бошлаган бозор. Эллик чоғли ғалаёнчи бекатда қоп-тугун, лаш-лушларини кўтарганларича шоша-пиша машинадан тушиб қолади, автобус бор-йўғи битта йўловчи билан яна йўлга тушади. Отам энди ўтирмайди. Шу кўйи тик турганича, замоннинг мураккаб, чигал муаммоларидан бири,

шахс ва оломон нима эканлиги ҳақида бош қотира бошлайди.

Баланд қўрғон атрофидан ўтган йўл қалин ўрмон томон шўнғийди, лекин ўрмон чеккасидаги эманларга яқинлашар-яқинлашмас, нимадандир чўчиб яна кенг дала томон кескин бурилади. Нақ муюлишда, эманларнинг қуюқ соялари асфальтга тушган ерда, ўрмон ёқасидан қаровсиз деҳқон кулбаси кўринади. Қаршида эса йўлнинг нариги томонида серқамиш кўл бор, уй паррандалари икки томонга — уйдан қўлга, кўлдан уй томонга турнақатор ўтиб турибди. Ҳар иккала қатордагилар ҳам катта йўлни кесиб ўтишаркан, асфальтни чўчиб қўйишни лозим кўрадилар. Автобус секин ўрмалайди, шофёр дам узун, дам қисқа сигнал беради, паррандалар бунга парво ҳам қилмайди.

Паррандаларнинг бу юриши чолни таажжубга солиб, буткул хаёлини банд этади. Ниҳоят, ўзини қўлга олиб, шофёр ойнасини дукиллата бошлайди. Ўрдак, ғоз, куркалар юришидан фиғони ошган шофёр қарияга «Нима керак бўлиб қолди?» — дегандек кўзининг астар-пахтасини чиқариб орқага ўгирилади. Чол манзилига етиб келди. Отам сакраб тушиши билан дастлаб новда топиб паррандаларни қувлаб машинага йўл очади. Автобусни кузатиб, катта пулини бой берган кишидек чуқур уҳ тортади.

Орамизда энг ғалати, энг софдил Антон шу ерда, ўрмон хўжалигида яшайди. Отамнинг бу уй остонасига қадам босмаганига ўн беш йил бўлди, бироқ Антон ҳам шунча вақтдан бери туғилиб-ўсган уйида қорасини кўрсатганича йўқ. Ораларидан на бир гап ўтмай, на уришиб-нетмай йил сайин ота-бола бир-бирларидан бегоналашиб кетаётганлари чолни ҳам таажжубга солади, ҳам кўнглини ғуссага тўлдиради.

Бир-икки томоқ қириб йўталиб олгач, отам ўрмон қоровулхонаси томон юради, бироқ икки кўзи оёқ остида, эҳтиёт бўлиш керак, ҳаммаёқ товук тезаги. Кекса эман дарахти тагида чўчқа болалари кўриниб қолди. Хур-хурлашаркан, кичкина, ёғ босган кўзлари билан чолни кузатишади. Отам яхшилаб боқилган чўчқаларнинг қадрига етадиганлардан, дастурхонда ёғ билан қора нон турса, бундан яхши таом йўқ, урғочи чўчқанинг ёнига бориб, қанча ёғ қилишини чама-лаб кўриш мақсадида устига кафтини қўяди. Билиб

қўйган яхши, бироқ қўлини чўчқа устига қўйгани заҳоти қоровулхона ортидан икки ит отилиб чиқиб ириллаганича чолга ташланади. Чол оёғи билан те-пиб, калтак билан уриб ўзини ҳимоя қилишга тушади, итлар эса устма-уст ташланиб тишлашга уринади. Қоровулхонадан стулча қўлтиқлаб олган букри нуро-ний кампир чиқиб келади. Кўрларга ўхшаб кўзини қи-сиб стулчани остона ёнига қўяди, нақ театрдагидек ястаниб ўтиради, кейин иккита баджаҳл итнинг ожиз, ноставон чолга ҳамла қилаётганини эринчоқлик билан томоша қила бошлайди. Энди ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлишга келди: ё чол уларни, ёки улар чолни бир ёқли қилишади.

Олишувнинг охири ўзи учун «вой» бўлишини ту-шунган ота секин-аста ортга, ўрмон томонга тисарила бошлади. Хаёли оёқ остидан бирон калтак топиш. Йўғон, узун таёқни топиб, отам шу заҳотиёқ қарши ҳужумга ўтади. Итлар ёрдам сўраб, ғингший бошлай-ди, шундагина остонада ўтирган кампир овоз беради:

— Йўқолларинг!

Итлар бўйсунади, ғингшиб, эски уй орқасига ўтиб кетади, отам эса кампирга узоқ тикилиб қолади: «Ял-моғиз экансан!» деб юборгиси келади. Шундай бўлса ҳам унинг ёнига боришга мажбур, бошқа иложи йўқ. Чол кампир томон юради, аммо ўн қадамча берида тўхтаб кампирни таниб қолганидан росмана ҳаяжон-га, таажжубга тушади. Кампир унинг кўзига иссиқ кўринади, бу табиий албатта, бироқ уни бу ерда кўр-ганига ажабланыпти. Ёшлигида чол унинг қўлида чў-понлик қилган эди. У вақт кампир анча ёш эди, олт-миш гектарча ери, икки майхонаси ва тегирмони бор эди.

— Ассалому алайкум!

Кампир чолга бепарққина қарайди, оғзини каппа очиб эснайди, миқ этмайди. Ота ўша ёшлиги — чў-понлик қилган йилларини яхши эслайди, ўшанда ҳам саломга истар-истамас алик оларди. У вақтлар ёш эди, солланиб юрарди, одамлар ундан хафа бўлишмасди. Лекин у толлар аллақачон кесилиб кетган-ку!

— Бу қанақаси бўлди, ахир. «Ассалому алай-кум!» — дедим, чоғи?

Стулчада ўтирганича кампир оёғини силай бош-лайди, бу орада ширингина тамшаниб қўяди.

— Оёқларим ҳам қувватдан қолди. Ерга ўтирадиган бўлсам қайтиб туролмайман. Стулча бўлса бир амаллаб тураман, шу боис, қўлтиғимдан тушмайди. Хўш, хизмат?

Улар бир-бирига бегона. Отам қачон келмасин, Антон уйда бўлмайди, кампирга, қаршингда турган одам, ўрмончининг отаси дейдиган кимса йўқ. Отам эса кампир билан таниш эканлигини яширади, ўша чўпонлик қилиб юрган вақтидан бери жинидан ёмон кўради. Тўғри, у вақтлар ёш, чиройли эди.

— Қоровул борми?

— Уй қурмоқчимисан дейман? Тахта керак бўлиб қолдимми?

— Бир-икки кубометр бўлса ёмон бўлмасди.

— Пул-мул олиб келдингми? Ёки сен ҳам қарзга олмоқчимисан?

— Пуллар мана бу ерда,— дейди отам мамнун қиёфада чўнтакларига шапатилаб. Чол мени алдамаётганмикан, дея кампир мато тагидан бўлса ҳам пул борми-йўқлигини билиб олиш учун кўзларини сузиб синчковлик билан узоқ тикилади. Кейин дуч келган томонга қўл силтаб йўл кўрсатади:

— Мана бундай, ҳов анави томонга юр. Мабодо тополмасанг ўзи олдингдан чиқиб қолади.

Чолнинг ҳамон таёқни ташламаётганини кўриб кампир қўшиб қўяди:

— Таёқни ташла, йўқса, итлар қўрқиб юрак олдириб қўяди.

Шундан сўнг битта ҳам тиши қолмаганини кўрсатиб оғзини катта очиб эснайди, отам эса кампирнинг гапи нашъа қилиб кулади: хўп аҳмоқни топибсан! Таёқни судраганича кампирдан узоқлашади. Кейин бирдан чўчқа қанча ёғ қилишини чамалаб кўрмагани эсига тушади. Жаҳли чиқиб, пешонаси тиришади: қачондан бери фарзандининг рўзгорини кўздан кечиришга отанинг ҳаққи йўқ бўлиб қолди? Хур-хурлаётган чўчқа томон бир-икки қадам қўйган ҳам эдики, икки ит яна уй орқасидан отилиб чиқиб чолга отилди. Отам яна таёқни ишга солиб, ўзини ҳимоя қиларкан, аста ўрмон ичкарисига чекина бошлади. Итлар ҳам бостириб боравердилар. Ўрмонга кириб борганлари сари овозлари узоқлаша бошлайди.

Нима қилмоқчи эдим-а, дея пичирларкан кампир

ўрнидан туради. Ҳа, эсига тушди! Ичкаридан ярим челақ бугдой тўпони олиб чиқиб уй олдига сепеди ва ғалати овозда товуқларни чақира бошлайди. Бир зумда сон-саноксиз товуқ ёпирилиб келади, кампир эса товуқлар орасида стулчасини аранг топиб ўтиради-да, қайси товуқ эртага тухум қилади, қайсиниси донни бекорга еяпти, пайпаслаб бўлса ҳам текшира бошлайди. Сираси, бир зумдан сўнг қайсинисини текширдию қайсинисини текширмади, адашиб кетади. Ҳа, адаштириб юборди, адаштирмасликнинг ўзи иложи йўқ, шундай бўлса ҳам кампир аллақандай абжирлик билан олдиндан пухта ўйланган режа бўйича текширувни давом эттиради. Фақат синчков одамгина кампирнинг эси кирарли-чиқарли бўлиб қолганини пайқаш мумкин.

Бир оёғи гўрда бўлса ҳамки, кампир тушмагурнинг хаёли кўпроқ мол-дунё орттиришда. Ўтирса аранг туради, турса аранг ўтиради-ю, мол-дунё тўплагани тўплаган. Қирқинчи йиллари уларни бадарға қилишди. Йигирма йилча Сибирда яшаб, эри, тўрт фарзандини тупроққа қўйиб, ўн олти яшар невараси билан қайтиб келди.

Тўғри, ҳовли-жойини бўлиб олган ҳамқишлоқлари ёнига бормади, бирмунча вақт теварак-атрофда санқиб юрди. Бир куни ўрмон қоровули уйи олдидан чиқиб қолди. Уша палла бизнинг Антон сўққабощ, ўрмон хўжалигида биронта тул парранда йўқ эди.

Отамнинг калтагидан лат еган биқинларини ялаб ўрмондан итлар чиқиб келишади. Қаердандир, ўрмон ичкарисидан ўқ овози гумбурлаб эшитилади. Кампир чўчиб тушади, шу саросимага тушган пайтимда шайтон хаёлимни ўғирламасин, деб кўксига туфлайди, чўқинади, ўрнидан туради, стулчасини кўтариб уйга киради. Ўрмон қоровулининг мўъжазгина кулбасида ақл бовар қилмайдиган тартибсизлик. Бирдан-бир кўзга ташланадиган нарса — у ҳам бўлса эски темир каравот. Уй ичи нимқоронги, қоziқларга қатор илинган тўрвалар тўла тухум. Кампир тухумларни у тўрвадан бу тўрвага олиб саралай бошлайди.

Мана шу темир каравот бизнинг Антонни иккинчи маротаба уйланишга мажбур этди. Кампир ва унинг невараси тунда эшик қоқиб келганда уйга киритиб, ерга похол тўшаб берганди, аммо кампирнинг ўн олти

яшар невараси ерда ётишни истамади. Ярим кечаси кампир хуррак ота бошлагач, у каравотга, Антоннинг ёнига чиқиб ётди. Икки ҳафта чамаси тунлар шундай ўтди. Қиз Антоннинг қўйнига кириб кўнглини овлади, сўнг уни шилиб кетди, мана уч йилдирки, кампир неварасини интизорлик билан кутади, аллақачон мосуво бўлган бойлигига қўшиш мақсадида зерикканидан бойлик тўплайди.

Узун таёқни судраганича отам тобора ўрмон ичкарисига кириб боряпти, дам-бадам жангга ҳозир кишидек қутурган итлар қаёқдан келиб қоларкин, дея те-варак-атрофга қарайди. Кайфи бузуқ, башараси тунд, одатда ўз ихтиёрлари билан ҳеч вақт қилмайдиган, бироқ вазият тақозоси билан шундай иш қилишга мажбур бўлгач, тортинчоқ одамлар шу аҳволга тушади.

Қишки изғирин, бўрон бошланиши арафаси ўрмон маънос, ўйчан мудрайди. Тиқ этган шамол йўқ, бироқ фурсат етган, катта қизғиш эман барглари чирт-чирт узилиб ер узра енгил айланиб олтинсимон барглар денгизига қўшилиб кетади. Синган шох қуруққина чирсиллаб ерга тушади, дарахтлар орасидан гоҳи-гоҳи паст учиб ўтган қуш кўриниб қолади, яна сукунат чўкади. Кўнгилга яқин, сархуш этадиган сукунат ҳукмрон. Отанинг ҳар бир қадами алланечук бошқача, нақ бир полк қадам ташлаётгандай эшитилади. Ўрмон ичида бу каби товуш қулоққа ёқмайди. Шунинг учун чол нафасини ростлаш, атрофга бир сидра қараб олиш учун тўхтайди. Назарида, бир-бирларига елка тутиб кўкка бўй чўзган эманлар унга жаҳл аралаш ишончсизлик билан тикилаётгандай бўлади.

Энди, кеч куз пайти ўрмон ҳеч кимга ишонмайди ва ҳеч кимга дўст бўлмайди. Баҳор фасли бошланганида одамларга ишонганди, қўзиқорин ва маймунжон тергани борганимизда бизни севиб, ардоқлаганди, ўт ўриш палласи туни билан сирли шивирлаганди. Ўрмоннинг чиройи очилган фасли ўтди, гўзаллиги сўнди, энди у ширяланғоч, ғариб бўлиб қолган, кимда-ким адашиб қолгудек бўлса ўрмон уни истар-истамас ва айни чоғда қовоғини солиб, ишончсизлик билан қаршилайди: тирик зотга оғир ботувчи сукунат билан тазйиқ этади.

Отамга ўрмонда кеч куз пайти, айниқса, якка ўзи

айланиш умуман ёқмасди. Мана энди ҳолдан тойгач, олдинга юравериш керакми, ўғлини шу ерда кута турсинми ёки орқага қайтиш зарурми — ўйлаб олиш учун ҳар тўрт қадамда тўхтайтиди. У узоқ туриб ўйлайди, очиғи, юрай деса мадори йўқ. Кейин тоғдек босиб ётган сукунат қўйнида қаердандир нур ёғилиб ёруғлик туша бошлади. Қаердадир шу яқинда шох қисирлади. Шундоққина отамнинг ёнгинасида шитирлаётган хазон устида орамизда энг мўмин-қобили, дали-ғули Антоннинг узун сояси кўринади.

— Ҳорма, ўғлим!

Елкасига милтиқ осиб олган, девқомат Антон катта-катта очилган болаларникидек тўқ мовий кўзларини тикиб отамга қараб турибди. Нимадир демоқчи, аммо гапни нимадан бошлашни билмайди. У нима дейишни билмай сўз қидириб анграйиб қолганида жуда чиройли, ёқимтой бўлиб кетади.

— Биласизми, мен... Бўлмасам-чи... жуда яхшида...

Антоннинг меҳмон кутишга уқуви йўқ. Азбаройи довираб қолганидан дам чап қўли билан отамнинг ўнг қўлини, дам ўнг қўли билан чап қўлини олиб кўришади. Бу аҳволни кўриб отам учрашувни саломалиқдан бошлайди:

— Салом, яхшимисан, ўғлим Антон!

Ўрмон сукунатига ўрганиб қолган Антоннинг қулоғига қаердандир, узоқдан ўрмон кесаётган болта овози чалинади. Унинг болаларникидек катта кўзлари бир зумда маънос тортади ва гўё ўша пўлат парчаси ҳар бир урилишда нақ уни бўлак-бўлак қилаётгандай шалвираб тушади.

— Одамларга ҳам ҳайронсан, бунақада тиккайган дарахт қолмайди-ку! Йўл юриб чарчагандир-сиз?

— Қаёқда! Автобусда келдим.

— Ундай бўлса, кетдик, дарахтни қулатгунларича етиб борайлик.

Гарчанд бизнинг Антон кўринишдан бақувват бўлса ҳам аёллардек кўнгли юмшоқ. Агар унинг гапига қулоқ солса, Молдавияда эртага битта ҳам кўкарган ниҳол қолмайди. Бироқ ўрмонни жонидан яхши кўради, ўрмон ҳақида турли-туман қизиқ нарсаларни билади, мабодо биронтамиз меҳмон бўлиб келсак, тин-

ка-мадоримиз қуриб йиқилиб қолгунимизча ўрмонни айлантириб юради.

Отам ўғлининг раъйини қайтармай, кўнгли кўтарилсин, дея дам у-дам бу эманга завқ билан қарайди, ўрмончилар билиши мумкин бўлган у-бу ҳақда сўраб-суриштиради. Антон ўзида йўқ хурсанд, улар дам ён-ма-ён юришади, дам тўхташади, бир қарасанг, қуюқ шохлар орасида қолиб кетишади, бир қарасанг, лоп этиб олдиндан чиқиб қолишади. Кўпдан бери кўришишмаган, ҳар қалай, бир-бирларини соғинишган, бирга бўлишганидан жуда хурсандлар, бироқ анови болта тинчлик бермаяпти-да. Дарахт танасига урилган болта овози эшитилиши билан Антон, нақ тиш оғриқдан азоб чекаётган одамдек, бошини ичига тортиб, афти бужмаяди.

У орамизда энг мўмин-қобили эди. Ҳали ёш экан, молни ўрмонга ҳайдаб боқарди, бунинг ҳеч ажаблаларли ери йўқ, чунки оила юмушини бажариш фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарз, ўспиринлигида эса бизнинг ўрнимизга борарди, кейинчалик эса ҳар мол боқишга одам қолмаганида, отам унга буюрса ломим демай чўпонлик қилаверарди. Эндиликда эса ўрмон бизни Антондан жудо қилиб қасдини олди.

Болта овози Антонни беҳуд қилаётганини кўриб, ўғлига жони ачиб отам:

— Тезроқ бориб, милтиқ отиб чўчитиб қўйсаки-кан?— дея таклиф қилади.

Ҳеч кимнинг гапини қайтаролмайдиган Антон нақ шу таклифни кутиб турувди. Энди чол аранг унга етиб борапти. Зах, қоронғи жарликдан ўтиб, улар қаёққадир чап томонга юришди, Антон қалин ўсган ўт-ўланлар ўртасида тўхтаб, отасига:

— Мана шу ерда,— деди.— Бугун эрталаб эман кўкка бўй чўзиб турувди.

— Қаёққа йўқолдийкин?

Антон барглари сидириб, ҳали қорайиб улгурмаган, нақ кўз ёши қилаётган тўнканинг юзини очади, пастроқда, ўнгир тубида кўмиб ташланган майда шохларни очиб кўрсатади. Тўнка яқинига келиб тизза чўкиб ўтираркан, тўнкадаги ҳалқаларни санай бошлайди.

— Менга тенгдош,— дейди паст овозда ғамгинлик билан,— ўттиз саккизта доираси бор экан.

Чол ҳайратдан ёқа ушлайди.

— Бўлиши мумкин эмас!

Аммо ҳақиқатда ҳам доиралар сони ўттиз саккизта. Антоннинг ўттиз саккизга қадам қўйгани ҳам ҳақ! Узаро шуларни ойдинлаштириб олишгач, ғамга ботиб ёнма-ён ўтиришади. Антоннинг кўнглини бир қадар кўтариш, эркалаш ниятида отам халтани кавлаштириб, ўғли учун энг мазали, энг чиройли ширинликларни танлай бошлайди. Ўттиз саккиз: доирачани яширгандай, ширинликларни тўнка устига териб чиқади. Онаси пиширган бу ширин кулчалар бу узоқ ўрмонда нақ мўъжиза бўлиб кўринади. Меҳмон ташриф буюрганидан бугун Антоннинг боши осмонда, ўзида йўқ хурсанд.

— Ойим ёпганми?

— Ҳа, ойинг, бўлмаса ким ёпарди? Онангни эслайсанми?

— Ярим йилда тушимга кирса эслаб юраман, кейин яна тушимга кирмагунча унута бошлайман.

— Нега меҳмон бўлиб бормайсан? Сенларнинг йўлингга тикилавериб кўзлари кўр бўлаёзди.

Антон ноиложликдан атрофга қарайди:

— Ўрмонни кимга ташлаб кетаман?

У фақат ўрмончилар орасида учрайдиган фавқуллодда иштаҳа билан тамадди қиларди. Унинг овқат ейишига қараб туриб отам бугун кун бўйи туз тотмагани эсига тушади. Азбаройи қорни очганидан боши айланай деяпти. Тугундан уйда ёпилган қора нон бўлагини олиб, очиққанини яшириб кавшай бошлайди.

— Қорним тўқ, тушда тамадди қилгандим, шундай бўлиб ҳам сенга шерик бўла қолай.

Антон уни шубҳа билан кузатаркан:

— Ўрмон хўжалигимда бўлдингизми?— дея сўрайди.

— Бўлмасам-чи! Ўз кўзим билан кўрдим.

— Қайнонам яхши кутиб олдимми?

— Бир нави. Таомилга яраша.

— Нима билан меҳмон қилди? Қўймоқ қўйгандир?

— Дастурхонда тухум бордай эди назаримда...

Антон бирдам хаёлга чўмиб, кейин чуқур уҳторти:

— Менинг тухум деса кўнглим айнийди.

Биргина тухум сўзини тилга олишининг ўзиёқ

Антоннинг иштаҳасини расво қилиб юборди. Антон ўрнидан туриб, қолган ширинликларни аллақандай меҳр билан авайлаб чўнтақларига солиб олади, отам ҳам тураркан, халтани кўтаради ва улар яна йўлда давом этишади. Узоқ юриб тобора ичкари кириб боришади. Ўрмонни қоплаган эртакнамо сукунат ва осудалиқдан сархуш бўлган отам Антонга уйқусираб эргашади, узоқда, эманлар орасидан қандайдир кулбаларни кўриб қолади.

— Антон, бу қайси қишлоқ бўлди?

— Нэсэдени.

— Номи чиройли экан. Қишлоққа кириб чиқамизми? Балки беш-олти қултум топиш насиб этар!

Антон нимадандир ноқулай аҳволга тушади.

— Ота, ҳали маош беришганича йўқ...

— Шу ҳам гап бўлдики? Мен борман-ку!

Антоннинг Нэсэденига ҳеч боргиси йўқ, ўрмон эса отамнинг кўнглига тегди, хаёли қишлоқда, қаноти бўлса, ҳозироқ учарди.

Бахтларига бугун якшанба, байрам, нэсэдениликлар чорраҳаларда, эшиклар олдида тўп-тўп бўлиб бамайлихотир суҳбатлашишмоқда. Ота-боланинг қишлоққа бирга кириб келиши уларни беҳад қувонтириб юборди. Меҳмонларни ҳар ким ўз уйига судрайди. Нэсэдениликлардан бири уларни ўз уйига бошлайди, қолганлари уларга эргашаркан, йўл-йўлакай меҳмонни бир амаллаб йўлдан уриб, уйига олиб кетишга ҳаракат қилади. Бир уйда янги винодан ичиб, ёнғоқ газак қилишади, иккинчи хонадонда эса вино ичиб газакка товуқ гўштидан тишлашади. Учинчи хонадонга кириб келишаркан, чўқинтириш маросими устидан чиқиб қолишади. Биринчи стакандан кейиноқ отам ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетади, оғзи қулоғида, барчага очиқкўнглилик билан қадрдонларча тикилади, қишлоқдаги ҳамма нарса ва барча унинг кўнглига яқин, дилини яйратади. Кўнглини, кайфиятини бир қадар хиралаштирган нарса Нэсэденида меҳмонларни кузатиш чоғидаги расм-русм бўлди. Кузатиш учун эшикка чиқишганда, мезбонлар Антонни бир чеккага олиб бориб қулоғига нимадир дейишди, бечора Антон жимгина бошини ичига тортиб олди. Буни кўрган отам дарғазаб бўлади: хайрлаша туриб меҳмоннинг кўнглини ранжитиш бу қанақа расм-русм?

Умуман, Нэсэденида битлари тўкилди, оқшом чоғи қоринлари тўқ, винодан юзлари қизариб, сархуш қайтиб келишмоқда. Урмоннинг кечки куз тинчини бузиб юборишдан чўчиб жимгина қадам ташлашади, отамга шу аснода ўрмон ёқа бошлади ҳам. Бирдан қаердадир шу яқинда кимнингдир дарахт кесаётгани эшитилади ва бутун ўрмонга акс садо оралайди. Отам бу сафар ўғринча дарахт кесувчига «кўрсатиб» қўймасқчи бўлади. Антоннинг елкасидан милтиқни олиб биринчи жаҳон урушида солдатлар жангга кириш олдидаги ҳолатига кириб, овоз келган томонга ташланади, йўл-йўлакай милтиқни маҳкамроқ ушлайди, қандай отишни ўйлайди. Отамнинг қатъий қароридан куюниб, аини чоғда бир оз уялган Антон унга эргашди.

Уқ гумбурлади. Отам Антоннинг етиб келишини, милтиқ нега ўз-ўзидан отилганини сўраш учун тўхтайди. Бу орада юз қадамча нарида эман ниҳоли ерга қулайди. «Ҳа, бўл», «ҳа, бўл» билан шошилиб дарахт кесишдан терга тушган бир нечта колхозчи таниш эканликларига шама қилиб, отамга ўнғайсизгина кулиб боқардилар.

Бироқ отам бўлар-бўлмасга сўзидан, қароридан қайтадиганлардан эмас. Антондан янги патрон олиб, милтиқни қандай ўқлашни ўйлайди, аммо ўғриларнинг маънодор қиқирлашлари чолнинг газабини қўзғайди:

— Антон, нега улар қиқирлашяпти?

— Ота, булар нэсэдениликлар-ку!

Чол донг қотиб қолади. Яхши, аъло кайфият бир зумда қумга сепилган сувдек изсиз йўқолади.

— Қандай зиёфат қилишди, қанчалик қучоқлашиб бағриларига босиб кўришишди-я! — дейди у паст овозда, фақат Антон эшитадиган қилиб.

Отам милтиқни ўрмончига қайтариб беради. Улар изларига қайтишади. Бу шармандаликдан тезроқ қутулмоқчи бўлгандек миқ этмай илдам юриб кетишади. Улар кетишади, отамнинг ярим кун ўғлиникида меҳмон бўлгани ўрмонга қимматга тушди. Токзор ўрмондаги ниҳолларни босиб янчади... Ақл бовар қилмас жараён, аммо ҳақиқат бу.

Кечга яқин улар ўрмондан анчагина узоқлашишган, катта йўл ёқасида туришибди. Иккови айб қилган

одамдек хомуш. Йўловчи машина кутишяпти. Ниҳоят Антон узоқ бош қотиргач, азбаройи уялганидан кўзини олиб қочиб отасига дейди:

— Дада, дурустроқ кутиб ололмаганим учун мени кечир. Омадеизман мен. Худо хоҳласа, ташвишлардан қутулай, маошимни олиб келаман, ўшанда қадамранжида қилсанг...

Ўглининг гапларидан таъсирланиб кетган отам кўзларига қуйилиб келган ёшини яшириш мақсадида бошини эгиб аста, қарийб пичирлаб гапиради:

— Агар барча ўғиллар оталарини сенингдек кутиб олишса олам гулистон бўларди-я.

Янгигина юнги олинган қўзичоқларни ортан юк машинаси тўхтади. Уй ҳайвонлари орасида қўзичоқларга отамнинг раҳми келади. Машинага чиқиб, чапдаст чўпондек чаққонлик билан қўзичоқлар орасига кириб ўтириб олди, машина ўрнидан қўзғалди, акамиз Антон эса қуёш ботгунича йўл ёқасида туриб қолди. Стам кетган томонга, шарққа узоқ, қаттиқ тикилиб туради, унинг ортидан эмаклаб бўлса ҳам кетгиси келади.

Йўқ, ўрмон акамиз Антонни ўғирлаб олиб кетди, деган гапни ўзимиз тўқидик. Уни ўрмонда ўзимиз қолдирдик, у бўлса, бизнинг боришимизни ва аллақачон ўтиб кетган болалик давримизга олиб қайтишимизни шу вақтгача кутиб турибди.

Кечга яқин оқ тошли қирғоқ ортидан Днестр яқинидаги чоққина Сорок шаҳарчасининг хушманзара чегараси кўзга ташланиб қолди. Дарё соҳилида, тошли жарлик ёқасидаги шаҳарча кузги майин қуёш нурида мудрайди. Днестрнинг қўрғоширанг сувидан қиш олди изғирини уфуради. Қадимги, лекин ҳамон гўсал баҳайбат қалъа соҳил қиялигида нақ осилиб турибди. Отам ҳанг-манг бўлиб бу ўрта аср қалъаси атрофида айланиб юраркан, шинакларни санайди, жангсурон нашъасидан бир оз сархуш тортган саркарда каби теварак-атрофни мағрур кузатади. Хужум қилиш керакми, йўқми — ҳамма гап шунда.

Вақт ўтмоқда, қош қорая бошлади, отам Днестр қирғоғига чиқади, чим устига ўтиради, катта, улкан дарё ва қадимги қалъа даврасида ўзини ўз уйидадек

ҳис қилади. Днестрнинг шовуллаб сирли оқиши чолни аста аллалай бошлайди. У бу буюк манзара — сувнинг оқишига ёш йигитлардек ҳайрат билан узоқ тикилади ва қалбида аждодлари куйлаган қадимги қўшиқлар қанотланади.

Назарида Днестрда бир маротаба ҳам чўмилмагандек бўлади. Афтидан, у ҳатто қармоқни қайси учидан ушлашни ҳам билмайди. Шундай бўлса ҳам умрининг ҳар бир куни, ҳар бир ониди у ўттиз чақиримча юрилса, Днестр соҳилига чиқиш мумкинлигини яхши биларди. Ҳар бир халқнинг буюк дарёси бор. Бизнинг, молдаванларнинг Днестримиз бор. Сув айқириб оқадиган баҳор фаслида ҳам, дарё ўзани қарийб қуриб қоладиган ёзнинг саратонли кунларида ҳам биз учун Днестр ҳамиша буюк, гўзал ва қудратли дарё бўлиб қолаверади.

Отам оёқ кийимини ечиб, шимини тиззасигача қайиради, пастга — қирғоққа тушади, нам қумга оёқ босяди. Днестр тўлқинлари дам-бадам унинг оёқларига бош уради. Бундай, кузги муздек сув бирдан чолнинг қаддини тиклайди, бошини мағрур кўтаришга мажбур этади, айни чоғда чолни ҳаяжонлантирган кундалик ташвишларини умумлаштириб чуқурлаштиради. Бир сонияда эртаклардагидек ўзгариш рўй бергандек бўлади, йўл азоби ва кундалик ташвишлардан тинкаси қуригани боисидан бир дақиқа дам олгани ўтирган чол ўрнида қирғоқда буюк ишлар қилишга қодир, жуссасидан куч ёғилиб турган мағрур инсон пайдо бўлади.

Қулоғига қумнинг шитирлаши чалиниб отам ўгирилади. Пляж томондан ёшгина жувон чўмилиш кийимида семиз ёнбошини ликилллатиб кела бошлайди. Отамни аёлларнинг ёнбоши ҳамиша ҳаяжонлантиради. Шошилишч ўзини тартибга келтираркан, эркак киши борлигини билдириш учун томоқ қириб жувон истиқболига чиқади. Унинг қатъият ёғилиб турган жуссасидан бир қадар таажжубга тушган жувон тўхтабди. Отам унинг офтобда қорайган тиззаларига суқ билан тикиларкан сўрайди:

— Сиздан бир нима сўрамоқчи эдим...

Жувон ҳайрон бўлиб чолга бақрайиб қарайди.

— Менга гапиряпсизми?

Чолнинг тиззасигача шимарилган шимига бирдам

таҳқиромуз нигоҳ ташлаб, жувон ҳамон босайми-босмайми дея солланиб узоқлашади, отам эса бутунлай саросимага тушиб ағрайганича туриб қолади. Дам қадимий қалъага қарайди, дам буюк дарёга термиледи, дам тиззасигача шимарилган шимини пайпаслаб кўради, дам тобора узоқлашаётган соҳибжамолга нигоҳ ташлаб қўяди.

Шаҳарга кириб келгач, чол дастлаб сартарошхонага йўл олади. Соч олдириш чўзилгандан-чўзилади. Нақ бошининг ўртасида бир тутам кокил диккайиб қолади, уни ётқизишнинг иложини тополмай сартарошнинг фиғони фалакка кўтарилади. Дам қайчи уриб кўради, дам бураб кўради, дам ҳўллаб ётқизиб кўради, нафи тегмайди. Барча ҳаракати зое кетади. Чол оқ сурп тагидан қўлини чиқариб сартарошга нима қилиш кераклигини кўрсатади — астагина, силаб-сийпа-лаб, кейин бир томонга — соч орасига ётқизиб, яшириб юбориш зарур.

Шаҳар паркига кираверишда отам ботинкасини пойабзал пардозловчига бериб, ўзи баланд стулга чиқиб ўтиради. Пардозловчи йўқ чангни сўнгги мартаба пуфпуфлаб юбораркан, ботинкани отамга узатади, отам ҳақ тўлашдан олдин ботинкасини бир сидра синчковлик билан текшириб чиқади, икки-уч ерида доғ топиб, пардозловчига қайтиб беради. Колхозчи деганлари пулни пешона тери, машаққат билан топади, шундай бўлгач, киссасидан пул чиқараркан, олий нав буюмни талаб қилади.

Ярақлайтиб мойланган ботинкани кийиб олгач, у Сорок шаҳарчасининг кимсасиз тор кўчаларида узоқ вақт санқиб юради. Эшикларга бирма-бир синчковлик билан қараб ўтаркан, пастак бир эшик олдида тўхтаб костюмини ечиб, стул суянчиғига кийдириб қўйгандек қилиб эшикка илади, кафтига туфлаб тозалашга киришади. Билмаган одам чолнинг хаёли ҳалиги, чўмилиш кийимидagi хонимда деб ўйлаши мумкин, аммо ҳақиқатда уни аллақачон унутиб юборганди. Гап шундаким, кенжамиз Серафим студент, уйланиш тараддудида юрибди, шу сабаб бўлажак келини кўзига рисоладагидек бўлиб кўринмоқчи.

Ветеринария техникумини қидириб топишга ҳам ярим соатча вақт кетди, чунки ҳар бир йили студент курсдан-курсга ўтади, техникум эса у бинодан-бу би-

нога кўчиб ўтади. Техникум биносини топиш осон кўчган бўлса-да, отамнинг ташвиши қилча камаймайди. Техникум биноси сув қуйгандек тинч. Дераза ва ёшиқлар ланг очиқ. Иккита кампир синф полларини ювишмоқда, коридор деворларига турли плакатлар — от, қўзичоқ, сигир, молларни узунасига, кўндалангига қирқиб туширилган расмлар ёпиштирилган. Бу кушхонадан даҳшатга тушган ота ташқарига чиқиб кетади.

Серафим ётоқхонада ҳам йўқ экан. Каттагина, икки қаватли бинода зор кўринмайди.

Адоғи йўқдек кета-кетгунча саф тортган саришта каравотларни кўриб, чолнинг уйқуси келади, аммо пиллапоядан пастга туша туриб, у бирдан ишқибозларнинг ҳовлидан келаётган қийқирғини эшитиб қолади.

Студентлар уч майдонда волейбол ўйнашяпти. Қизлар ҳамда йигитлар бирга ўйнашяпти. Коптокни бир-бирига оширишлари аъло даражада, зарблар ҳам кучли, ишқибозлар қичқирғидан қулоқ қоматга келади, кенжасини қидириб тўрлар атрофида юрган отам беихтиёр ўйинга қизиқиб кетади. Кейин кимнингдир шўх, беғидир қийқирғини эшитади:

— Нима бало, миянгни еб қўйдингми, қария?

Отам кулиб йўқ, дегандек бош чайқайди, аммо Серафим ўйин билан банд, буни кўрмайди албатта. У нақ тўр тагида ўйнаяпти. Юқорига сакрайди, зарб билан уради ва бир очкони қуртдек ютиб чолга қичқиради:

— Сабр қил, ҳозир врачларнинг елкасини ерга теккизайлик, ўшанда қучоқлашиб кўришамиз!

Ўғлининг ўйинини кузатаркан, ота бошқаларга сездирмай айёрлик билан унга ур, дегандек кўз қисиб қўяди.

Мана, Серафим зарб билан уриб яна бир очкони қўлга киритди, отам бўлса ўзида йўқ хурсанд.

У Серафимга бошқа кўз билан қарайди, меҳри ортиқроқ унга. Серғайрат, қишлоқдаги иккита-учта молга дўхтирлик қиламан, деб ҳаром ўлдирган бўлса ҳам ўқиши ёмон эмас. Иложинг қанча, бошқа ерда бўлгани каби ветеринарияда ҳам бу каби ҳоллар бўлиб туради. Боз устига, у вақтда Серафим иккинчи

курсда ўқир, сиғирлар эса аксига олиб тўртинчи курсда ўқитиладиган касалга дучор бўлганди.

Қош қорайиб, ўйин қоидаси бузиляптими, йўқми — аниқлаш қийинлашгач, мусобақа тугайди, ниҳоят чол билан сўрашган Серафим азбаройи чарчаганидан оёғини аранг кўтариб босаркан, отамни ётоқхонага бошлайди. Остонага қадам қўйишар-қўйишмас Серафим чолни бир чеккага олиб чиқиб, сирдошлик билан аста пичирлайди:

— Ҳозир сизга бир нима айтаман, аммо гап орамизда қолиши керак.

— Бўпти!

— Биласизми, уйланмоқчиман. Нима дейсиз?

Серафим ҳали еттинчи синфда ўқиётганидаёқ, уйланаман, дерди, мана ҳозиргача қуйилмабди. Биз кўпинча унинг уйланишини ҳазилга йўямиз, бироқ отам фарзандлари билан муносабатда майнабозчиликка қатъийан қарши. Отам гўё унинг жавобидан ўғлининг тақдири ҳал бўладигандек узоқ ўйланади, кейин қарийб пичирлаб жавоб қилади:

— Ҳамонки, шу қарорга келибсан, қўша қари.

Серафим хотинларга ўхшаб ёлғондақа уҳ тортади.

— Айни муддао бўларди, ота, ёлғизлик жонимга тегиб кетди.

— Нега ёлғизлик бўларкан, ётоқхонада ачиб-бижиб ётибсанлар-ку!

— Ҳа, йўқ, мен маънавий ёлғизликни назарда тутаяпман.

— Гап бу ёқда демайсанми...

Орадан дақиқа ўтар-ўтмас у отамга шўх, қувлин билан мурожаат қилди.

— Келинингизни кўрсатайми?

Гапнинг очиги, отамнинг бўлажак келинини кўриш истаги бор ва мана энди улар хотин-қизлар ётоқхонасига кириб келишди. Бир зумда ҳам ювиниб, ҳам кийиниб олишга улгурган Серафим ётоқхонанинг узун йўлагига елиб-югураркан, отаси олиб келган ширинликларни дуч келганга улашиб чиқади, отам бўлса қандайдир плакатга қизиқсиниб унга тикилганча тик турибди. Шунча гўзал қизларни умри бино бўлиб биринчи марта кўриши. Қимдир кир ювади, бошқалари дазмол босиш билан овора, учинчи бирлари қаёққадир

югуриб қолади, баъзилари бировнинг хушомад қилишини кутиб, шунчаки бекорчиликдан туришибди.

Қаёққадир бориб келган Серафим дадил бўлиш учун қариянинг елкасига шапатилаб қўяди. Узун, нимқоронғи йўлакда ёшгина қиз пайдо бўлади, биринчи маротаба спортчилар шимини кийиши шекилли, уятдан қизариб кетган. Отамга кўзи тушиши билан таққа тўхтайди, Серафимга савол назари билан қарайди. У нобакор бўлса, «Худо ҳаққи, кимлигини билмайман», деяётгандек чолдан юзини ўгириб олган. Қиз етиб келиши биланоқ у дабдурустдан таклиф қилади:

— Отам билан таниш.

Қизнинг лавлагиси чиқиб кетди. Серафимга ўқрайиб қаради-да, чолга қўл учини берди, нимадир деб гўлдиради, сўнгра қоронғи йўлакка ўзини урди. Пиллапоядан пастга, биринчи қаватга тушишаркан, Серафим чолга гап нимада эканлигини тушунтира бошлади:

— Ҳали ёш, биринчи курсда ўқийди, хушфеъл!

— Уятчан экан,— дейди ота,— камтаргина...

— Элбурутдан мақтама, бир қарорга келганича йўқ ҳали.

Мўъжазгина боққа кириб келишганда, Серафим скамейкада суҳбатлашиб ўтирган уч қиз олдида тўхтайди ва уларнинг учаловини отаси билан таништиради. Қизлар даврасидан чиқиб бир-икки қадам юришгач:

— Қайси бири?— дея сўрайди отам.

Серафим бу ҳақда бош қотирмаган ҳам.

— Шошилишнинг нима кераги бор? Омон бўлсак кўрамиз.

Шаҳар Маданият уйига киришганида чолни тор йўлакда, саҳна майда-чуйдалари уйиб ташланган ерда қолдириб, Серафим ўзини рақс залига уради. Ҳамма қизлар рақс тушишяпти, якка қолгани йўқ, аммо бу ҳол Серафимни қилча ташвишлантормайди. Рақс тушаётганлардан бирини шартта тўхтатиб, қучоғига тортади, бироқ бир давра айланмасданоқ қизни отаси турган йўлакка судраб олиб чиқади ва таништиради. Кейин қизни отаси олдида қолдириб ўзини яна залга уради, дам ўтмай бошқа қизни бошлаб чиқади ва отаси билан таништиради. Орадан бирмунча вақт ўтиб у юзини упа-элик билан бўяган, баланд бўйли оқса-

риқдан келган қизни бошлаб чиқади, лекин саҳна-нинг майда-чуйдалар уйиб ташланган жойида ҳеч ким йўқ. Отамнинг энсаси қотиб ташқарига чиқиб кетганди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган, Серафим кичкинагина тунги чироқ ёруғида бир-икки ҳафталик, сут эмадиган бузоқларда учрайдиган касалликлар ҳақида мутолаа қиляпти, отам студентлар каравотида маза қилиб ётибди, кўзлари ғурурдан, бахтдан чақнайди. Уйида шундай абжир йигит ўсиб-етишганидан шод; у кабилар орзусига етади, айтганини қилади.

Тонг палласи, шаҳар ширин уйқуда, ота-бола кимсасиз кўчалардан ўтиб боришмоқда. Аэропортнинг шаҳар кассасида атайлаб қўйиб қўйилган узун скамейкага келиб ўтиришади. Отамнинг негадир кўнгли ғаш, нималарнидир узоқ ўйлайди. Қолган-қутган пулларни олиб, ўғлини пулга ўргатмаслик маъносида сипогарчилик билан бир томонга ўгирилади, пулини санайди, санаркан, яна кўнгли бешбаттар ғаш бўлади. Серафим ўта қизиқувчан. Ўрнидан бир оз кўтарилиб, отасининг елкаси оша у ҳам пулни санайди. Сирасини айтганда, унинг вазифаси, иши оғир. Ёши бир жойга бориб қолган одамни биринчи маротаба самолётда учишга кўндиришнинг ўзи бўлмайди. Кейин билетга пули етмай турган бўлса, ёрдам бериш ҳам мушкул. Серафим, нима қилсам экан, дея бош қашиб қолди. Моддий қийинчиликда эканлигини маълум қилгандек чуқур уҳ тортгач, Серафим ўгирилиб чўнтагидан ҳамёнини олади. Бу ҳолни кўриб танг қолган отам ўрнидан бир оз туриб ўғлининг елкаси оша ҳамёнига кўз ташлайди. Буни қарангки, ўғли отасига қараганда пулдорроқ экан, аммо бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ. Серафим фавқулодда меҳнаткаш, Кишинёвнинг барча газета редакцияларига ўзининг биринчи севгиси ҳақидаги шеърларини кўтариб боравериб бездириб юборган. Унинг ҳужумларига дош беролмай қолган газета гоҳида шеърини эълон қилиб қолади.

Серафим эркакчасига мардлик қилиб пулини тенг иккига бўлади. Суюкли ўғлидан пул олиш ноқулай, чол иккиланиб осмонга тикиларкан, сўрайди:

— Менга қара, самолёт бирон-бир ўнгирга қулаб тушмасмикан?— Бу соддаликдан Серафим кулавериб кўзлари ёшга тўлади.

— Сизга нима! Ҳаммасига учувчи жавобгар.

Тонг отиши билан нотинч ухлагани боисидан тажани бўлган олти киши кичкина икки моторли самолётга чиқиб ўтиради, Отахонимиз самолётга ҳаммадан кейин чиқади. Учинми ёки учмагани маъқулми, ҳали ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келганича йўқ. Трапнинг сўнгги пиллапоясига қадам қўяркан, нимадир эсига тушиб, бирдан кескин ўгирилади ва ерда, трап олдида Серафимга бақиради:

— Менга қара, ўғлим, копток ўйнайдиган бўлсанг, кафтинг билан эмас, мана бундай мушт билан ур, шунда зарб кучли бўлади!

Серафимнинг энциси қотади.

— Ургатмай қўя қолинг!

Отам ўлганининг кунидан кулади, ҳалиги гапни ҳазилга йўймоқчи бўлади, аммо шу топда трапни ола бошлайдилар, чол шошилиб самолётга чиқиб олади. Мотор қулоқни қоматга келтириб гувиллайди, қурий бошлаган ўтлар титрайди ва самолёт қаноти синган қушдек, учини йўлкасидан юриб кетади. Учини чизигига етганида, бир зум тинчланиб йўл олтидан мизғиб олгандек бўлади, сўнг бир қаттиқ гувиллаб, шу заҳотиёқ ердан кўтарилади.

Кўзлари уйқудан юмилиб кетаётган, боз устига, оёқлари ердан узилган йўловчилар ўзларини лоҳас сезадилар. Биргина отам ҳеч нима бўлмагандек самолёт ичида тетик юрибди, гўё бу баҳайбат темирқуш парвоз қилдими ёки ҳамон ерда депсиниб турибдими — фарқи йўқдек. Самолётнинг тезлиги ошиб, тобора юксакликка кўтариларкан, дам-бадам ҳаво бўшлиқларига тушишидан чол хурсанд бўлади, бу унга аллақачон ўтиб кетган болалик йилларини, баҳорги байрам, арғимчоқ учишларни эслатади. Чол билетини қўлида ушлаганича, қаерга ўтиришим керак, дея барчадан бирма-бир сўраб чиқади.

Олти йўловчидан бири, кўринишидан қишлоқ ўқитувчиси бўлса керак, титроқ қўллари билан чўнтагидан нимадир қидира бошлайди ва наҳ боши узра чайқалиб турган чолдан қутулиш мақсадида костюмининг баридан тортиб уни ёнидаги бўш ўриндиққа ўтқазиб қўяди. Отам муштлашишга шайлангандек ўрнидан кескин туради, костюмининг гижимланган барини бир сидра кўздан кечиради, таъна қилгандек

қишлоқ ўқитувчисига ўқрайди ва гўё: «Сизни маданиятли одам бўлса керак, деб ўйловдим», дегандек бўлади. Костюми бус-бутун эканлигини кўриб кўнгли жойига тушгач, яна ўша, бўш жойга, аммо бу сафар бирон кимсанинг ёрдамисиз ўтиради. Ҳатто шу ерда, осмонда озодлик чол учун муҳим, биринчи даражали ташвиш.

Самолёт ичини бир неча сонияга қоронғилик қоплайди ва яна шундай, кутилмаганда ёришиб кетади. Бу нарса чолга қизиқарли кўринади. Шундоққина ёнгинасида ихчам, доира шаклидаги дарча, пастга қараркан, кўзига ташланган манзарадан ҳанг-манг бўлади: на ўтлоқ, на чўпон, на тош, на қум кўринади; баҳайбат тоғлар поёнсиз мовий бўшлиқда аста сузиб бормоқда. Самолёт ўчакишгандек бостириб боради — бирини қаноти билан ёриб ташлайди, бирини мотори билан мажақлайди. Ҳамма қилмишидан мамнундек: самолёт учиб бормоқда, булут сузади, осмон эса, худди эртаклардагидек кўм-кўк.

Отам бу манзара ҳақида ким билан бўлмасин, ўртоқлашмоқчи, лекин ён-берида бу ажойиб манзарани тушунадиган биронта молдаван йўқ. Олти йўловчи курка товуқдек қимир этмай ўтирибди, ҳамма ёнидаги йўлдошини кўрмасликка олади. Чол яна дарчага қадалиб олади. Худо кўтарсин йўлдошларни, ўзим кўриб тўйиб олай.

Анча пастда кулранг булут орасида боши қора-кўкимтир калтакесак ўрмалаб боряпти. Бирмунча чап-роқда узун кул ранг тасмача, унда игна билан қадаб қўйилгандек иккита рангли мунчоқ. Шудгор қилинган дала ўртасида ингичка арқонсимон тутун, у ер-бу ердаги ўнгирилларда тўпланган турли рангдаги томлар. Чолнинг пешонаси тиришгандек бўлади: наҳотки бутун республика, бутун бошли халқдан қолган нарса шу бўлса? Орқага ташланиб, ўриндиққа суянганича кўзларини юмиб ҳозиргина кўрганларини яна бир карра хаёл кўзгусидан бирма-бир ўтказди ва бирдан ҳайратдан ҳуштак чалиб юборади. Гап нимада эканлигини энди тушуниб етади. Яна бир оз олд томон энгашиб дарчага пешонасини қўяди: ҳа, тўғри, ҳаммаси шундай, калтакесак бу поезд, узун тасмача — катта йўл, иккита мунчоқ эса — автобус. Фақат одамлар кўринмайди, афтидан, осмондан уларни кўз илғамайди.

Ажабланарлиси шуки, отам самолётга чиққанига энди афсуслана бошлади. Бир умр ерда яшаб, эндиликда унга юқоридан қарашнинг ҳеч бир маънисини йўқ. Назарида кўкдан туриб ерни кузатиш, одамларни кўрмаслик биргина худонинг иши.

Самолёт бурилар экан, дам ўнга, дам чапга ёнбошлайди, гоҳ ер тик туриб қолади, гоҳ қаёққадир, пастга тушиб кетади, шунда отам дарчадан кўзини олади. Қолган ярим соатли йўлни у қимир этмай доно ва олижаноб бир кўринишда ўтказади. Юқорига кўтарилиш ва ўзини юқорида ҳис қилишнинг ўзи бўлмайди. Энди у онамизга, қўшнилариимизга, бутун қишлоқ аҳлига ва бутун жаҳонга меҳр-муҳаббатини изҳор қилади. Икки чақиримча баландликда, осмон қўйнида уларни шу қадар соғиниб, яхши кўриб кетдики, етмиш йил ерда яшаб улар ишқида бунчалик ёниб-куймаганди.

Кишинёв аэропортида толиққан, рангпар олти йўловчи ва бу парвозда ақли чархланган чол самолётдан тушадилар. Кейинчалик, аэропортдан чиқаверишда отам бир неча соат бир ерда қимир этолмай ўтириб қолади. Одамлар Москвага, Ленинградга, Болгарияга ва Руминияга учиб кетишади. Ҳали оёқлари ерга тегиб улгурмай, нафасларини ростлаб бўлмасдан иккинчи самолётларга ўтириб яна йўлга тушадилар.

Учишга, парвозга мойиллик бу ноёб, камдан-кам учрайдиган оллонинг марҳамати. Мабодо бу сифат етмиш ёшли қарияда юз кўрсатса, пешонасининг шўри. Қобилият бор, аммо инсоннинг ўзи қани, йўқ, парвоз учун яралган бутун умри ерда ўтди, маня энди қариб ҳам қолди. Шунақа гаплар...

Шу пайт милиционер яқин келиб, отамнинг елкасига кескин шапатилади. Отам дик этиб ўрнидан турди, чўнтагини кавлаштириб бир сўм топди, бироқ гап бошқа ёқда экан. Аэропортдан чиқаверишда ўтириш мумкин эмас экан, милиционер буни тушунтиргунича чол ниҳоят Кишинёвга этиб келганини фаҳмлаб қолади. Аэровокзал биносидан ўтиб ташқарига чиқадди ва чанг босган автобусга ўтиради. Кўкда, самолётда, парвозда юргандан кейин машинада юриш нақ бориб турган шармандалик. Автобус ғашга тегадиган даражада имиллайди, дарвозадан кўз узмай келаёт-

ган отам қачон шаҳарга кириб борарканмиз, дея тутақади. Пойтахтимизнинг атрофи одатдаги қишлоққа жуда-жуда ўхшаб кетади, шу узундан-узун чўзилган қишлоқ тугаб, шаҳар кўринишини кутавериб чол деганлари мудраб қолди.

Кишинёв ҳавоси бир қадар намхуш, мўътадил. Кичкина автобуснинг шофёри машинани кескин тўхтатади-ю, отам чўчиб уйғонади. Марказий кўчада автобуслар, троллейбуслар турнақатор тўхтаб қолган, кўча ҳаракати тинган, йўловчилар тўда-тўда у ёқдан-бу ёққа югуради, нима бўлганлигини ҳар ким ўзича сўраб-суриштиради.

Кишинёв боғча болалари Ғалаба майдонида велосипед пойгасида мусобақалашмоқда. Отам ишқибоз онахонлар қаторига бориб қўшилади, у ҳатто бу мусобақада ғолиб чиқиши мумкин бўлган қизил береткали болакайни кўз остига олиб қўяди ҳам. Бироқ отам бир дақиқа бошини юқорига кўтариб кўзи қуёшга тушиши билан кўнгли ғаш тортади. Кишинёвдек азим шаҳарда турли ҳайратомуз нарсалар кўп, мужик деганларга бош бекорга берилмаган, вақтни бефойда ўтказмаслик керак.

Марказий кўчадаги беш қаватли узун уй: чол гўё бу уйда истиқомат қилувчилар ўғлининг энг яқин дўстларидек, дуч келган одамга тиржайиб ҳовлига ўтади. Иккинчи қаватга кўтарилиши билан шошилиш равишда қўнғироқ тугмасини босади, аммо нимадир эсига тушиб дарҳол қўлини тортиб олади, ичкарига қулоқ солиб гуноҳкорона бош эгиб туриб қолади. Қайсидир тентак унга, ёзувчи учун энг даҳшатли нарса уни ижод столидан бемаврид турғазини, деганди. Шу боис, улар бошлаган ишларини, китобларининг учдан бирини ҳам охирига етказа олмайдилар. Ўз-ўзидан маълум яна бир китоб чала қолишини отам сира-сира истамайди.

Ёзув машинкасининг чиқиллаши эшитилмайди, шунинг учун у эшикни аста гуноҳкорона тақиллатади. Ҳеч ким жавоб бермагач, қайта тақиллатади. Кейин қўнғироқ тугмасини узоқ босиб туради, ҳамон ҳеч ким жавоб беравермайди, шундан сўнг бўшашиб ғамнок бўлиб қолади. Одам шунчалик ҳам тентак бўладими! Кўзда Кишинёвда бўлмайман, Москвага кўчиб кетман, деб озмунча ёзиб юбордимми унга? Бунга қария-

нинг ҳеч ишонгиси келмайди ва ҳар сафар Кишинёвга ташриф буюриши билан эски уйимга югураверади.

Ҳафсаласи пир бўлиб у пастга тушади, дарбозадан ўтиб ташқарига чиқади. Ўз хаёллари, ташвишлари билан бўлиб йўлкаларни тўлдириб қаёққадир шошилаётган шаҳарликлар оқимига қўшилади. Марказий кўчадан узоқ юради, дам одамлар орасида кўриниб, дам яна уларга қўшилиб кўринмай қолади. Марказий Молдавия газетасининг пастак биноси олдига келганда тўхтади. Нимадандир ич-ичидан хурсанд бўлади. Ун йил бўлган бу идорадан бўшаб кетганимга, бироқ стам, афтидан, ҳозир эшикни очиб ичкари кираману ўз иш стулида ўтирган ўғлимни кўраман, деган хаёлга борди чоғи.

Одатдагидек киш арафаси редакцияда ремонт бошланган. Стуллар тахлаб ташланган, столларда гишталар ётибди, чанг қопланган ердаги телефон тинмай жиринглайди, адабий ходимлар газетхонлар хати, хомаки газеталарни кўтарганларича йўлакдан у ёқ-бу ёққа югурадилар. Ҳамма эшикларни бирма-бир очиб чиқиб, менинг йўқлигимга ишонч ҳосил қилгач, отам ташқарига йўл олади. Нақ эшикка етганида кимнингдир овозидан тўхтайди:

— Ҳой, отахон!

Тушлик чойни ичишга эндигина келиб ўтирган курьер уни таниб қолади. Улар ҳурматларини ўрнига қўйиб узоқ саломлашишади, кейин иссиқ чойга кўзи тушган отам нимадандир чўчиган бир қиёфада ундан сўрайди:

— Наҳотки ташлаган бўлсанг?

Бу саволга курьер сариқ чақа ҳам йўқ, дегандек чўнтагига шапатилаб қўяди. Отам, ишқибозлар ҳид сезиб қолмасин, дея олдин атрофга аланг-жалаңг қараб олади, сўнгра эшикка ишора қилиб бошини қимирлатади. Редакция қаршисидаги мўъжазгина пиво-хонага киришгач, отам бир шиша мусалласдан олади, икки стаканга қўйиб курьерга, нима қиларкин, дея термилади. У гарчанд ўзимизнинг одам, қишлоқи бўлса-да, имиллайди. Винони симириб ичади, кейин нон устига сариқ гармдоридан суркайди, етмагандек туз ҳам сепеди ва кўзи ёшланиб гапга тушиб кетади. Отам ундан менинг ишим чатоқлигини, редакцияда пўстагимни қоқадиган мақола борлигини эшитади.

Мақоланинг ер билан яксон қилувчи кучини намойиш этадиган курьернинг қўл силкитишларини кузатаркан Антонга ўхшаш бошини ичига тортиб маънос тортиб қолади, пивохонага кириб келувчиларга гўё улар мақолага имзо чеккандек қўрқа-писа қарайди. Кашандаларнинг папирос тутуниданми, ёинки курьер оғзидан эшитган гаплар таъсириданми, отам чидаб туrolмай суҳбатдошини ёлғиз қолдириб ташқарига чиқади. Аста, вазмин юриб бораркан, газета витриналари олдида тўхтайтиди, ўша машъум мақолани қидира бошлайтиди. Ўғлим бекор бу ишга қўл урди, деган хаёлга боради. Мабодо унинг маслаҳатига кўниб, милиция мактабига ўқишга кирганимда ҳозиргидек тиззам қалтираб ўтирмай, бошқаларнинг адабини бериб, жонини олардим.

Чоррақаларнинг бирида йўловчилар билан тўла, ўриндан энди жилган троллейбус деразасидан кимдир отамни чақириб қолади:

— Салом, отахон!

Троллейбус яна тўхтайтиди. Одамлар орасидан аранг ўтиб бир йигит троллейбусдан тушади. Отам у йигитни дарҳол таниб, шу яқиндаги ҳовлига бошлаб киради ва мен ҳақимда эшитганларини титрай-титрай сўзлаб беради. Йигит чолни даҳшатга солган гапдан роса мириқиб кулади, сўнг одобли кишилардек уни қўлтигидан олиб гап нимада эканлигини тушунтира бошлайтиди. Чолнинг бир вақтлар мен билан газетада ишлашган дўстимни учратиб қолгани яхши бўлади. Дўстим, мақола чиққунича замон бир айланиб келади. Кейин мақола эълон қилинган тақдирда ҳам ҳеч нима бўлмайди. Ёзувчилар союзининг аъзоси соғлом, яхши ниятда ёзилган танқиддан чўчийди, деб ким айтиди, деб чолга тасалли беради. Бу фикрларнинг тасдиғи ўлароқ, у отамни яна ўша редакция қаршисидаги пивохонага таклиф қилади, ўша винодан олади. Боши осмонга етган отам менга аталган ширинликларни унинг олдига тўкиб-солади. Афтидан, иккалови ҳам хурсанд, мамнун. Суҳбат охирида дўстим унга гижимланган пул узатади, чол нима қилиш кераклигини узоқ ўйлайтиди; олиш керакми, йўқми? Дўстлари ўғлимдан олган қарзларини қайтариб беришяптими, демак, иш айтарли ёмон эмас экан, деб ўзини-ўзи хотиржам қилиш учунгина пулларни олади.

Оқшом палласи, ўрнидан қўзғалган поездга сакраб чиқиб олган отам йўловчиларнинг қопчиқлари, тугунлари устидан аранг ўтаркан, Кишинёвдан нимадир харид қилмоқчи эканлигини эслаб қолади. Аммо нима харид қилиши кераклиги хаёлидан кўтарилган эди, мана у купедан-бу купега ўтиб, ўзгаларнинг харид қилган нарсаларига кўз қирини ташларкан, ниҳоят, бир бурчақда муштдеккина бўлиб ўтирган кампирнинг қўлидаги тақсимчани кўриб, Кишинёвда худди шунақасини харид қилмоқчи эканлигини эслайди. Кампирнинг ёнига бориб ўтириб тақсимчани кўздан кечираркан, отам ёлғон-яшиқни бичиб-тўқийди, кампир ниҳоят эриб кетиб, хаёлчан кулиб тақсимчани чолга беради. Кампир чолдан олган пулини рўмолчасига тугиш билан овора экан, отам — вақтида жуфтакни ростлаб қолади, ким билади, кампир тушмагур айниб қолиши мумкин.

Йўловчиларнинг кўпчилиги Кишинёв шаҳри атрофидаги қишлоқликлар: шу боис, шаҳардан чиққан поезд вагонлари орадан бир-икки соат ўтгач, қарийб, бўшаб қолади. Ёлғиз қолган отам зерика бошлайди, бирон-бир улфат қидириб купедан-купега ўтади. Қўшни купеда ўзига ўхшаган бир чолни топиб танишиш учун ёнига ўтиради, кампирдан сотиб олган тақсимчани кўрсатади. Тақсимча ҳамроҳига маъқул бўлди ва у ўз навбатида олтига чой стаканини олиб кўз-кўз қилади, стаканлар отахоннинг кўзини ўйнатади. Ичкилик шунақа нарсаки, олдин нима синишини ҳеч ким билмайди. Биров тақсимча синдиради, биров стакан.

Вақт алламаҳалда вагонлардаги чироқларни ўчирадилар. Фақат оч-кўкиш лампочкаларгина купени хира ёритади. Манзили узоқ бўлган йўловчилар ўрин солиб чойшабга ўраниб уйқуга кетадилар, разъезд, вокзаллар ҳам тун оғушида, провондиклар ўтирган ерларида мудрашяпти. Ташвишлари биланми, бирибирига ўхшаш икки қария янгигина дўстлик меҳридан эриб бамайлихотир, ширин суҳбатлашиб ўтиришибди. Олдин чоллардан бири турмуши ҳақида ҳикоя қилади, суҳбатдоши унинг ҳар бир гапини маъқуллаб, дард-кашлик билан бош ирғаб жимгина қулоқ солади, кейин у ҳикоясини бошлайди, бошқаси жон қулоғи билан тинглайди.

Уйга қайтгач, отам поездда танишган дўсти тўрт

қизи билан нима қиляпти, дея бош қотиради, ўз навбатида у ҳам биз, олти ўғилни ёмонотлиқ қилади.

Саҳар палласи, тепаликлар ортидан вокзалимиз биносининг черепицали томи, тўрт терак кўринди. Паровоз манзилга етиб келганини маълум қилиб қичқирди, отам бўлса вагон эшигида турар, ранги оқариб кетган, «Наҳотки тўхтамай ўтиб кетади?» — дея фол очади.

Вокзал биносидан анча нарида, қарийб, дала ўрта-сида, отам харид қилган тақсимча темир йўл узра думалаб келмоқда. Унинг ортидан отам чопиб келяпти. Қувиб етгач, тақсимчани узоқ чертиб кўради ва бус-бутунлигидан ўзида йўқ хурсанд бўлади. Бу орада поезд орқага қайтиб, перронда иккинчи маротаба тўхтайди.

Поездни кузатиб қўйгач, отам, ўз-ўзидан маълум, емакxonани умуман ёпиб қўйишганми-йўқми — ўз кўзи билан кўриш учун ўша ёққа йўл солади. Емакxона ҳамон эл хизматида, чол хурсандлигидан юз грамм отиб олади. Шундан сўнг ифлос чорраҳадан ўтиб дала томонга шошилади. Чеккароқда йўловчиларни кутиб турган икки юк машинаси кўринади, аммо отам чўнтагидаги қолган пулини пайпаслаб санайди-да, яёв кетишга қарор қилади.

Куз ҳам охирлаб қолди. Кўк юзини булут қоплаган, шивалаб ёмғир ёгмоқда, ер дурустгина музлаган, юриш қийин, тийғончиқ. Отам, бундан бир ҳафта бурун йўлга чиққанида кун иссиқ эканлигини ўйлайди, энди эса совуқ суякдан ўтяпти ва у нақ бугдой ўрими пайти чалғи тортаётгандай қўлларини силкиб катта-катта қадам ташлаб уйга шошиляпти.

Биринчи қишлоққа кириб келиши билан таққа тўхтайди. Қандайдир мўъжиза рўй бериб қулоғига фавқулодда шўх қувноқ куй чалинади. Отам ҳайрон бўлгандек тек қотиб қулоқ тутади, бу орада куй унинг хаёлини буткул банд этади. Таассуфки, отамиз туғма машшоқ, ҳатто жуда жўн куй ҳам унинг эътиборини тортиши мумкин.

Отам йўлидан қолиб, ўзини тор кўчага уради, бир оз юргач, қишлоқ тўйи устидан чиқиб қолади. Икки юзтача, чамаси, турли либосдаги колхозчи ҳовлини тўлдириб турибди. Супагача чиқиб олган ўн чоғли машшоқ зўр бериб куй чалмоқда, бир оз музлаган,

аммо пичан тўшалган ерда ўйин туша бошлайдилар. Атрофга чўккан сукунатдан отам уй эгаси ҳам ўйинга тушиб кетганини фаҳмлайди. Ўйин тушаётганларнинг барчаси куёв билан ёнма-ён ўйин тушаётган нуроний чолга ҳайрон қоларли даражада ўхшаб кетадилар. Ўйин тушишлари рисоладагидек эмас. Тортинишганиданми ённки ҳурмат юзасиданми, қарияга тақлид қилишади, чол бўлса уларни қизиқсинлар дегандек, томоша қилаётганлар қувончига қувонч қўшиб дамбадам зўр муқом қилиб қўяди. Шу топда отам биргина ўзи биладиган ўйинни кўрсатиш учун бизларни энди ҳеч қачон қишлоққа қайтариб олиб кела олмаслигини ўйлайди. Ҳаммамиз, худога шукур, соғ-саломатмиз, тирикчилигимиз ўтиб турибди, лекин нимадир бўлди-ю, бизни бир даврага йиғиш ва қўл ушлашиб ўйинга тушиш мумкин бўлмай қолди.

Мана, чол яна йўлда. Куз ҳавосига ишониб бўлмайди, шивалаб ёғаётган ёмғир дам ўтмай нимага айланиб кетишини олдиндан билолмайсан, шу боис, у илдам қадам ташламоқда. Бошқа қишлоқ чеккасига келиб қолганида яна ҳайратга тушиб тўхтаб қолади. Қимнингдир боғидаги битта ҳам барги қолмаган, аммо ҳосили шохида турган олма дарахтига кўзи тушади. Куз охирлаб қолган бўлса-ю, ё тавба, ғарқ пишган олма териб олинмаган бўлса! Четан деворга суянганича отам, ўз кўзларига ишонқирамай, узоқ тикилади. Нарироқда ит акиллаб қолди, уй эшиги очилиб остонада отамдан бир оз ёшроқ, қоқсуяк одам кўринади. Бизнинг отахон ноқулайликдан атрофга қарайди.

— Кўнглингизга келмасин, манави дарахт ростдан меваси билан турибдими?

— Кўрмайсизми, банди бор-ку!

Ғаройиб дарахт эгаси боққа тушади, йирик олмани узиб яқин келади-да, отамга узатади. Қария бу мўъжизага узоқ тикилади, кейин уялинқираб бошини қашийди, тортинибгина сўрайди:

— Ростдан хурсанд қиладиган бўлсангиз яна биттасини узиб бермайсизми. Уйда кампирим бор, очиги, ўз кўзи билан кўрмаса ҳеч нарсага ишонмайди...

Ўзининг фаросати етмаганидан боғ эгаси ноқулай

аҳволга тушиб, дарахт тагига қайтиб боради. Кейин ўша ердан туриб сўрайди:

— Кампирдан бўлак яна одам бордир?

Отам бошини қуйи эгиб, оғир хўрсинади, шу вақт-гача англаб етмаган дардини ичига ютиб, йўқ, дея бош чайқайди.

Қишлоққа у кечга яқин кириб боради. Қишлоқ чек-касида, қудуқ тепасида иккита пақир тўла сув кўтарган қиз турибди. Енгил кўйлақда, свитери эски, устига-устак, енги калта, совуқдан кўкариб кетган. Чолнинг оёқ товушини эшитиши билан пақирларини эпчиллик билан кўтариб унинг олдидан йўлкани кесиб ўтади. Эшиги тагига борганида пақирларни ерга қўйиб чол томонга қарайди ва бир қадар ҳавас қилгандек бўлиб, қора кўзларини катта очиб, кулимсираб дейди:

— Энди ростдан омад кулиб боқадимиз сизга...

Бу нозик, ингичка овоз уни аллақандай бошқа бир дунёдан тортиб, қайтариб олиб келгандек, отам чўчиб тушади. Ёйилиб кулади. Ниҳоят у ўз уйида.

— Ҳа, қизим, ҳақиқатан омад келди!

Кекса онамиз, бизни кутиб, кўзлари йўлда, эшик тагида турибди. Эскигина уй мўрисида кўкка тутун ўрламоқда, чапдаги, ўнгдаги қўшнилари ҳам, бутун қишлоқ ҳам кеч кузда печкага ўтин қалаган. Онамиз эшик тагида йўлдан кўзини узмай тек турибди, нимадир кўзига чалиниб, титраб кетади, сўнг кулиб юборади. Тор кўчада отамнинг учли шапкаси кўринади. Аммо бир сония уни кузатиб туриб, онам уҳ, дея қўлларини икки ёнига уради: о, парвардигор, яна отиб олибди. Илдам юриб унинг истиқболига чиқади.

Вақт алламаҳал бўлганида кулранг—қора кўкдан чўл узра лопиллаб, узоқ айланиб қор ёға бошлайди. Буюк қарама-қаршилиқ вақтида бўлгани каби ҳамма нарса қотиб қолади, қор учқунлари эса бутун қиш бўйи ётадиган ерларига аста чайқала-чайқала қўна бошлайди. Биринчи қордан сўнг қор учқуни кўпаяди, энди расмана қиш қори ёға бошлайди. Улкан, бепоеъ дала-ни оппоқ қор қоплайди. Днестрнинг муздек суви узра қор учқунлари аста қўнмоқда, узоқ-узоқ ўрмон ўнгирларидан қор, Кишинёвнинг марказий кўчасида, йўлакларда биллурдек оппоқ, биринчи қор. Бизнинг ҳовлида ҳам қор ёғмоқда. Том ҳам оқариб қолди. Супачалар, ҳовли саҳни қор билан қопланди.

Куз ҳам хайрлашиб кетди, барча Молдавияда меҳмон кутиш пайти ҳам тугади. Энди, қишлоқдан чиқиб кетганлар, бизлар ҳақимизда гап очилса, қариндош-уруғлар ва яқинларимиз ўйчан кулимсираб:

— Худо хоҳласа, келаси йили кузда кўришармиз,— деб қўйишади.

Эртаси куни эрталаб, қор тўшалган ҳовли саҳнида бизнинг даканг хўроз пайдо бўлади, бир сакрашда остонага қўнгач, қанотларини бир-икки уриб, рисоладагидек қилиб уч марта қичқиради. Менинг ёқимтой хўрозим! Агар бирон кун қишлоққа қайтиб келиш менга насиб қилса, сенга икки қоп дон ҳамда сенинг қувноқ, доно наслингни асрлар оша сақлаб қолиш учун беҳисоб ажойиб товуқлардан олиб келаман.

1965 йил.